O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 3 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 25(7428)

Da'vat

Mehnat insonni uch xil illatdan: zerikish, qusur, muhtojlikdan xalos etadi.

VOLTER

Ibrat

Navro'z bayramida azorasp tumanidagi nafar nogiron rga 1 million ning so'mlik halar tar-

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони саноқли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муяссар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди.

Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик қадриятларимиз, буюк аждодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Термиздаги меъморий обидалар орасида Қирқкиз алоҳида ажралиб туради. Маълумотларга қараганда, бу ерда турли мамлакатлардан келган хотин-қизлар илму фан сирларини ўрганган. Бу эса мамлакатимизда аёлларнинг илм-фан бобида эркаклар билан ёнма-ён, баҳамжиҳат фаолият кўрсатганидан яна бир далолатдир.

Давлатимиз раҳбари ушбу обидалар, шунингдек, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажаги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиб, халқаро интеграция жараёнлари кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётир. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўёна бўлди. Воҳанинг ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу иншоот замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

(Давоми 2-бетда)

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа — қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барча-барчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намояндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Агар ўша — энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни — барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзиллардан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайҳун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегаларда жойлашган Термиз шаҳрига, аввалари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синоатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин - Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими - Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

«Авесто»да «байроғи — туғи баланд эрлар юрти» деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган?

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Pul massasi o'sishini cheklash va moliya intizomiga rioya etish mas'uliyatini oshirish choratadbirlari to'g'risida»gi Farmoni matbuotda e'lon qilindi.

Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining sakkizinchi sessiyasi 2002 yil 4 aprel kuni ertalab soat 10.00 da Toshkent shahrida O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining majlislar zalida ochiladi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

Bugun Toshkentdagi «Interkontinental» mehmonxonasining «Billur» zalida «Oziq-ovqat mahsulotlari, ichimliklar, qadoqlash va ishlab chiqarish texnologiyasi» — «Interfud O'zbekiston — 2002» xalqaro ko'rgazmasi boshlandi.

Chust tumanida balandligi 187 metr, viloyatning 90 foiz hududini qamrab oluvchi, 70 km. radiusga to'lqin tarqatuvchi teleminora qurilishi boshlandi va bu mahalliy kanallar orqali ko'rsatuvlar sifatini yaxshilaydi.

ШУНДАЙ КАМОЛ ТОПАР ЮРТДА КЕЛАЖАК

Таълим ва тарбия — инсонни камолотга етказувчи муҳим омил. У юрт тақдири, келажагини белгилашга ҳам қодир куч. Зеро, илм, салоҳиятга эга, таълим-тарбия кўрган баркамол шахсгина Ватан равнақи,унинг ёрқин келажагини бунёд этади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Айни шу боис ҳам давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ҳукуматимиз томонидан таълим тизими ислоҳотига алоҳида эътибор қаратилдики,бу ишларнинг барчаси, албатта, эркин фикрлайдиган, ҳар томонлама етук шахсни тарбиялаш йўлидаги залворли қадамлар бўлди. Бугунга келиб, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар натижаси тобора ўз бўйбастини намоён этиб бормоқда. Ўқувчи-ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадаларидаги совринли ўринлари, турли фестиваллар, анжуманларда кўпчиликнинг олқишига, эътиборига сазовор бўлаётган изланишлари, дунё спорт майдонларида ўтказиб келинаётган нуфузли спорт мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқлари... Буларнинг барча-барчаси эртанги кунга умид, келажакка ишонч ҳиссини уйғотади кишида. Дарҳақиқат, ёшларимизнинг дунё илм-фани чўққиларини забт этишлари, боболари Абу Райҳон Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий, Алишер Навоий каби оламнинг буюк дарғаларига муносиб ворислар бўлиб камолга етишаётганлиги яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг илк илмий конференциясида ҳам сезилди. Таълим тизимидаги олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида рўй бериши кутилаётган "Портлаш эффекти"нинг илк нишоналари дея эътироф этилган ушбу анжуманнинг, албатта, ёшларимиз камолотида ўз ўрни бор. Таъкидлаш лозимки, ушбу ҳафта мобайнида бўлиб ўтган республика умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича IV босқич республика олимпиадаси ҳам том маънода айтадиган бўлсак, ушбу "Портлаш эффекти"нинг ўзига хос кўриниши бўлди.

ОЛДИНДА ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР

Маълумки, ушбу ўтказилаётган умумтаълим фанлари олимпиадаларида 21 та фан бўйича аввал мактаб, туман ва ниҳоят вилоят миқёсидаги баҳсларда ғолиб чиққан энг билимли, иқтидорли ва изланувчан ўқувчиларгина иштирок этиш имкониятини қўлга киритган эдилар. Таъкидлаш лозимки, ўқувчиларнинг чуқур билимга эга эканликлари улардаги ишонч, ғолиб бўлишга интилишлари шижоатларидан сезилиб турса-да, беллашувлар олдидан бироз ҳаяжон ҳам юзларида зоҳир эди. Зеро, шундай нуфузга эга бўлган фан олимпиадасида фақат энг тиришқоқ ва теран билимга эга бўлган ўқувчиларгина тўпланганлиги барча-

"Olimpiada—2002"

га аён. Бундай иқтидорли ўқувчилар эса республикамизда кўпчиликни ташкил этиши бизни қувонтиради. Зотан, юрт келажаги унда камол топаётган ёшларнинг илм-фан сирларини нақадар чуқур эгаллаётганликлари билан ҳам белгиланади.

Шундай қилиб, ҳаяжонли онлар бошланди. Олимпиада қатнашчиларининг ўқитувчилари ҳамда ота-оналарининг нигоҳи олимпиадалар боришини кузатишга мўлжалланган махсус хонадаги телеэкранга михланган...

ИШОНЧЛАР ОҚЛАНДИ

Мана, бирин-кетин фанлар бўйича ўқувчиларнинг тест саволларига берган жавоблари, тўплаган баллари компьютер мониторида акс эта бошлади.

Муросасиз кечган француз тили фанидан дастлабки ғолиблар номи аниқланди. Бу гуруҳда Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 62-мактаб ўқувчиси Улуғбек Омонов амалий топшириқлардан 20 балл, 40 та берилган тест саволларининг эса 35 тасига аниқ жавоб топиб, 70 балл олди ва умумий 90 балл тўплаган ҳолда биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса Тошкент шаҳар Акмал Йқромов туманидаги ЎзДЖТУ қошидаги академик

(Давоми 3-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА

"МАЪРИФАТ" МАСЛАҲАТХОНАСИ 4-бет

ШАЙТАНАТНИ ЕНГИШГА ҚОДИР НУР 5-бет

ТАНИЙСАН-А МЕНИЯМ, НАВРЎЗ (БАДИА) 5-бет

АҚЛ ЁШДА ЭМАС, БОШДА... 6-бет

MILLIY O'YINLAR 7-бет

"ҲУМО" СКАНВОРДИ 8-бет

ЧИХАМБИЛИ (HIKOYA) 8-бет

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан ғину юракдан ифтихор қилишга ўргатади.

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

Президент Ислом Каримовнинг Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимиз шаҳ... нутқ сўзла-нинг 2500 йиллик тўйи ... он замининосабати билан ба... дудига муро-этилган Археология м... лик, — деди зейини ҳам бориб кўрди. ... раҳбари, —

Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифоқ ҳудудида ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонавий меъморликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топилган ноёб археологик топилмалар қўйилган. Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкамизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган нуфузли ўрнидан сўзлайди. Қадимий Кушонлар шаҳзодаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топилган ванна дунёнинг манаман деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топилмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан борганидан далолат беради.

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган "Алпомиш" стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари жой олган.

Президент Ислом Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров очди.

Маросимда Президент ...йиллар қаъри-дагидек ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳарларидан биридир. Аммо фақат халқимиз истиқлолга эришганидан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилаётган бугунги Сурхондарё аҳлининг яратувчилик ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жарқўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзи Алиқулов сўзга чиқди.

Маросим театрлашган байрам томошаси билан якунланди.

Анвар КАРИМОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбирлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, култепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, «Термиз» сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни "дарё бўйидаги шаҳар" маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда — "Тирмиз" деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур «Зафарнома» асарида Термиз аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинат ур-рижол", яъни «Мардлар шаҳри» деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иқлимга маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта.

Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шуҳратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртнинг мард ва танти, олижаноб одамларидир.

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азизавлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ноғорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли хосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни улуғлаб, қуёш жазирамаси, гармсел шамолларига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида афғон можароси туфайли йигирма йилдан зиёд давом этган нотинч ва таҳликали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намоён этиб, том маънода шу юртнинг фидоийси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон халқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда ғоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг хосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанада яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсак, ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ хўжалик экинларини — пахтадан тортиб субтропик меваларгача, ғалладан тортиб сабзавот ва полиз маҳсулотларигача — барчабарчасини ўстириш мумкин.

Айниқса, бу заминнинг сўлим табиати, Вахшивор ва Боботоғ, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мафтун этади.

Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларни, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакрор табиат, шундай меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бу юртнинг келажаги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар бахтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади.

Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор.

Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборак пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа кўмилган.

Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз ва мустаҳкам.

Бугун биз янги жамият қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечираётган бўлсак, қандай қийинчилик, ғов-тўсиқларни енгиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиш, буюк келажагимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам ғайрат ва шижоати, мардлик-матонати, фидоийлиги мужассам экани шубҳасиз.

Хурматли дўстлар!

Биз бугун шоду хуррамлик билан нишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, авваламбор, тарихимиз ва буюк аждодларимиз хотирасига нисбатан қалбларимиздаги ҳурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намоён бўлиши билан ибратлидир.

Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан чин юракдан ифтихор қилишга ўргатади.

Энг муҳими, бизларнинг қандай қадимий тарих, қандай ўлмас маданиятга эга эканимизни, кимларнинг авлодлари, қандай улуғ зотларнинг ворислари эканимизни англашга даъват этади.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда, шу майдонда туриб атрофимизга, Термизнинг бугунги гўзал қиёфасига бир назар ташлайлик.

Бу қадимий шаҳарда кейинги йилларда барпо этилган муҳташам биноларни, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, обод ва равон йўллар, сўлим боғроғлар, кўркам фавворалар — буларнинг барчаси бунёдкор элимизга хос юксак фазилатларнинг, мустақиллик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намоёни эмасми?

Айниқса, мана шу улуғ тўй шарофати билан кўҳна Термизнинг ҳар томонлама яшнаб-яшариб, навқирон бир шаҳарга айланиб кетганини кўриб қувонмайдиган одам борми?

Ишончим комилки, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирқиз ёдгорлик мажмуаларининг тубдан қайта таъмирлангани, Темир йўл бекати, Биржа маркази, Археология музейи, амфитеатр, янги стадионлар ва сузиш ҳавзалари, бошқа ўнлаб иншоотлар нафақат Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳасининг чиройига чирой қўшиб турибди, десам, бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, мана шу савобли ишларни амалга оширган моҳир қурувчи ва усталаримизга, муҳандис ва меъморларга, Термизнинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қадрли дўстларим, ватандошларим!

Сўзимнинг охирида илгари ҳам айтган бир гапимни такрорламоқчиман: мен гўзал Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғларини, яшил арчазорлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутун Сурхон аҳлини яхши кўраман, сизларга ўзимнинг энг эзгу туйғуларимни изҳор этишдан ҳамиша бахтиёрман.

Мардлар, баҳодирлар ва полвонлар диёри бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин.

Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз дунё турганча турсин.

Самарқанд Давлат чет тиллар институти талабаси Оксана Покатаева ўтган йили Францияннинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўтказилган олимпиадада иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу йил яна тўрт нафар талаба элчихона томонидан ўтказилган "Сиз Францияни биласизми?" деб номланувчи танловда иштирок этишди. III босқич талабаси Айше Маметова ғолибликни қўлга киритиб, бир ой Франция сафарида бўлиб қайтди.

Энг фаол ва аълочи талаба, Навоий номидаги стипендия сохибаси Айше бу йил Президент стипендиати номзодлиги учун ўтказилган барча синовларда 11 нафар талаба ичида энг кўп балл жамғариб, ўз мақсадига эришди.

Албатта, бундай катта ютуқни қўлга киритиш осон кечмади. У Республика Президенти стипендиати номзодлигига бўлган талабларни бажаришда, француз тили, инглиз тили, Ўзбекистон тарихи, компьютер дастури бўйича билимларини оширишда устозлари ёр-

АЙШЕ ФРАНЦИЯДАН ҚАЙТДИ

дамига таяниб, тинмай меҳнат қилди.

— Француз тили факультетидаги Айшенинг фикрдошларидан бири — IV босқич талабаси Умида Бозоровадир. Умида ҳам илмий иш олиб бормоқда, — дейди биз билан бўлган суҳбатда француз филологияси факультети декани, профессор М.Холбеков.

Факультетга энг сара ўқитувчилар йиғилган. Профессор Х.Орзиқулов, фан номзодлари Т.Имомназаров, Д.Кисилёв, катта ўқитувчи Л.Усенова ва бошқалар шулар жумласидан. Институт ректори Ю.Абдуллаевнинг саъй-ҳаракати туфайли, факультетда француз тили ва маданияти маркази ташкил этилган. Франциялик волонтёрлар бу ерга тез-тез келиб туришади. Барча қулайликларга эга бўлган марказда талабалар Франция телевидениеси кўрсатувларини томоша қилиб, ўз билимини оширишлари мумкин.

Н.ШЕРБОЕВА



БОЁВУТЛИК ЁШЛАРГА НАВРЎЗ ТУҲФАСИ

Халқимизнинг миллий ўзига хослигини ташкил этувчи кўплаб қадимий анъаналари, минг йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган урфлари бисёр. Наврўз — янги йил бошиданоқ шаҳар-қишлоқларда авж олиб кетадиган турли қурилишлар, ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш, бир сўз билан айтганда, бунёдкорлик ишлари ҳам ана шундай эзгу амаллардандир.

Энг азиз миллий байрамларимиздан бирининг шукуҳли кунларида Боёвут туманида яна бир ўқув маскани — Саноат касб-ҳунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Сиз суратда кўриб турган мазкур илм кошонаси боёвутлик илмга чанқоқ ёшларнинг байрамона кайфиятини янада кўтариб юборди.

Халқаро талаблар даражасида Сирдарё вилояти 1-сонли қурилиш-монтаж трести қурувчилари томонидан қисқа муддатда барпо этилган замонавий коллеж саноат машина ва ускуналарини таъмирлаш, пахта толасини қайта ишлаш, юк ташиш, бухгалтерия, тикувчилик мутахассисликлари бўйича ўрта махсус билимларни беришга ихтисослашган.

Коллежда талабаларга мукаммал билим бериш учун барча шароитлар муҳайё: Жанубий Кореядан келтирилган замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган ўқув хоналари, компьютер ва лингафон синфлари, айрим табиий фанлар учун махсус хоналар, ошхона, ётоқхона.

Йилдан-йилга кўпайиб бораётган бу каби илм даргоҳлари бугун барчанинг кўзини қувонтиради. Умид қиламизки, уларда таҳсил олган ёшлар келажакда мамлакат тараққиётида улкан кучга айланадилар.

Ботиржон ҒОФУРОВ

Суратларда: Янги коллеж — янгича таълим, янгича ёшлар.

Б.ТЎРАЕВ олган суратлар (ЎзА).

O'qituvchi yon daftariga

2050 YILGA BORIB

BMT ma'lumotlarida ta'kidlanishicha, sarlavhada ko'rsatilgan muddatda yer yuzida 60 yoshdan oshgan qariyalar soni 2 milliarddan oshadi va bu ko'rsatkich umumiy aholi sonining 20 foizini tashkil etadi. Mutaxassislarning qayd etishlaricha, bunday holat, ya'ni yoshi ulug' kishilar sonining 15 yoshgacha bo'lgan bolalar sonidan oshib ketishi insoniyat tarixida ilk bor kuzatiladi.

YANA BIR O'ZIGA XOSLIK

Mutaxassislarning fikricha, quloqlar tuzilishiga qarab ham shaxsni aniqlash mumkin. Inson quloqlari xuddi barmoq izlari singari butun umr mobaynida o'z shaklini o'zgartirmas va bir odam quloqlari o'z tuzilishiga ko'ra ikkinchi bir odamning quloqlariga umuman o'xshamas ekan.

XAVFSIZLIK UCHUN

Ma'lumki, akulalar okean va dengiz-larning cho'milish joylarida odamlar uchun muayyan xavf tug'diradi. Avstraliyalik muhandislar yaratgan yangi asbob xuddi shu xavfni bartaraf etishga moslashgan. Unga ko'ra, suzuvchining oyog'iga o'rnatib qo'yilgan uskuna o'zidan to'lqin tarqatib, akulalarni yaqin yo'latmaydi.

ARILAR QOBILIYATI

Gollandiyalik olimlar xulosasiga qaraganda, arilarni ta'qiqlangan yuklarning hidini aniqlashga o'rgatish oson kechadi. Arilar bu hunarni bir soatda egallab, giyohvand va portlatuvchi moddalarni sezgan zahoti elektron sensorga belgi beradi. Bu mitti jonivorlar qobiliyatidan chegara hududlarda foydalanish mumkin, deya taklif qilishmoqda olimlar.

"Yil tarbiyachisi"

ИЖОДКОРЛИК НАМОЙИШИ

Мирзо Улуғбек туманидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида "Йил тарбиячиси" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Кўрикда иштирокчиларнинг янги педагогик технологияларни амалиётга тадбиқ қилиш, миллий истиқлол ғоялари ва конституция сабоқларини болажонлар онгига қанчалик даражада сингдираётганликлари, машғулотлар жараёнида миллий анъаналаримиз, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш ҳамда таълим-тарбия самарадорлиги ва мазмундорлигини таъминлашдаги ижодкорлик ва ташаббускорликлари намойиш этилди.

Танлов шартлари натижаларига кўра, 1-ўринга 367-болалар боғчаси тарбиячиси Муқаддас Алиева муносиб деб топилди. 223-болалар боғчаси ходими Манзура Одилова ҳамда 312-болалар боғчаси вакили Ирода Тошматоваларга иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Ўтказилган тадбир мактабгача таълим муассасаларидаги тарбиячиларнинг касбий билим ва маҳоратларини чуқурлаштириш билан бирга янги давр тарбиячилари қандай бўлиши керак, деган саволга амалий жавоб бўлди.

Насиба ЭРХОНОВА

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ, ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИДА

Seminar

ЎзМУда олий таълим муассасаларида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш мониторингининг олиб борилиши ва уни такомиллаштириш бўйича семинар бўлиб ўтди. Семинар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Осиё Тараққиёт Банки ва ЮНЕСКОнинг юртимизда таълим соҳасидаги ислоҳотларни олиб бориш "ТА—2947" сонли техник ёрдам лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда республика олий ўқув юртлари ректорлари ва мониторинг бўлими бошлиқлари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов очиб, мақсад ва вазифалар хусусида тўхталди.

ЮНЕСКО ва БМТ томонидан эътироф этилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқичига хос бўлган вазифалар, хусусан, таълим сифатига эътиборни қаратиш ва бунинг учун моддий-техникавий базани кучайтириш, молиялаштиришни такомиллаштириш, таълим соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш, мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳомийлик маблағларини жалб қилиш ҳамда таълим соҳаси бошқарувини мукаммаллаштириш, унга жамоатчиликни жалб қилиш каби зарурий масалалар, муаммо ва таклифлар йиғилганлар томонидан ўртага ташланиб, муҳокама қилинди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Б. Раҳимов сўзга чиқиб, таълим ҳамда кадрлар сифатини таъминлаш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирди.

Икки кун давом этган ушбу семинар якунида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга оширишга оид амалий тавсиялар берилди. Буларнинг барчаси мониторинг тизимини такомиллаштириш, таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда келажакда етук кадрлар тайёрлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фаррух БЎТАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

ШУНДАЙ КАМОЛ ТОПАР ЮРТДА КЕЛАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

лицей ўқувчиси Екатерина Григорьева (умумий 85 балл) ҳамда Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 9-мактаб ўқувчиси Суннатулла Тиллабоев (жами 77 балл)га насиб этди.

Биз суҳбатимизни ғолиб ўқувчи У.Омонов билан давом эттирдик.

— Улуғбек, айтинг-чи, республика умумтаълим фанлари олимпиадасида ғолиб бўлишингизда қандай омиллар етакчи аҳамият касб этди, деб ўйлайсиз?

— Албатта, ушбу олимпиаданинг ўз нуфузи бор. Иштирокчиларнинг барчаси ғолиб бўлишга лойиқ. Менимча, олимпиадада 1-ўринни эгаллашимда ўқитувчим Саид Раҳмоновнинг берган ўгитлари бош омил бўлди. Қолаверса, опаларим — республика умумтаълим фан олимпиадаларининг француз тили фани бўйича 1997 йилги ғолибаси Нозима ҳамда мазкур олимпиаданинг ушбу фан бўйича 1999 йилги республика босқичи қатнашчиси Нодиранинг кўрсатган йўл-йўриқларида, деб биламан. Бундан ташқари, француз тилини ўрганишга бўлган қизиқишим, изланишларим ҳам ўз таъсир кучига эга бўлди.

Ҳа, ўқувчи бирор фанга ёки касбга қизиқса-ю, унга йўл-йўриқ кўрсатувчи муносиб мураббий топилса, кўзланган натижа ҳам шунга яраша бўлиши тайин.

МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВЛАР

Сараларнинг сарасигина танлов ғолиби бўлиши башорат қилинган баҳслар, дарвоқе, ҳар бир фан бўйича муросасиз кечганлиги билан эътиборлидир. Бу эса, ҳакамлар ҳайъатига ҳам баъзи қийинчиликларни туғдирди, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, рус синфлари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили фанидан ўтган синовларда томонлар кучларининг тенг келганлиги барчанинг диққат марказида бўлди. Ушбу фан бўйича тест якунида 1—3-

ўринлар учун беллашаётган ўқувчилардан 4 нафари даъвогарликни яна давом эттиришди. Уларга берилган 40 та тест саволларидан Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 159-мактаб ўқувчиси Фазилат Қосимова ва Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 2-мактаб ўқувчиси Фарҳод Маҳкамовлар 94 баллдан тўплаган ҳолда 1-ўрин учун курашни давом эттиришган бўлса, Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Б.Абдуллаева ҳамда Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 2-мактаб ўқувчиси И.Жабборовалар бир хил — 92 балл билан ўзаро 3-ўрин учун баҳслашишди. Ўқувчиларга ҳакамлар томонидан қўшимча яна 10 тадан тест саволлари берилди. Мазкур баҳсда эса 3-ўрин учун даъвогарлик қилаётган Д.Абдуллаева рақибидан 2 балл кам тўплаб, мусобақани тарк этишга мажбур бўлган бўлса, 1-ўрин учун беллашаётган ҳар икки ўқувчи ҳам барча саволларга "аъло" жавоб беришди. Натижада, уларга яна қайтадан 5 тадан савол берилиб, сўнгги турда Ф.Қосимова шоҳсупанинг биринчи, Ф.Маҳкамов иккинчи ва И.Жабборова учинчи ўринни эгалладилар.

ОЛИМПИАДАДАН — ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВЛАРГА

Республикамизнинг барча ҳудудларидан иштирок этаётган бу йилги умумтаълим фанлари олимпиадаларининг якуний 4-босқичида Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам ўзларининг эришаётган ютуқлари билан барчанинг бирдек олқишига сазовор бўлишди.

— Республикамизда ўтказилган фан олимпиадаларининг учинчи босқичида 15 нафар ўқувчимиз 1-ўринни эгаллаган эди, — деди суҳбатда Қорақалпоғистон Республикаси ХТВнинг умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи Мақсуд Халқназаров. — Таъкидлаш лозимки, шуларнинг икки нафари қорақалпоқ тили фанидан ҳудудимизда ўтказилган баҳсларда 1 ва 2-ўринга лойиқ деб топилиб, олий ўқув юртига кириш имтиёзига эга бўлишди. Қолган 13 нафар ўқувчимиз эса ўз фанлари бўйича беллашувларни давом эттиришмоқда.

Эътироф этиш керакки, олимпиаданинг дастлабки кунидаёқ математика фанидан баҳсларда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Мансур Ибрагимов умумий 97 балл тўплаган ҳолда 1-ўринни эгаллади. Нукус Давлат педагогика институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Маҳмуд Носиров эса физика фанидан ташаббусни ўз қўлига олиб, бу ютуқларни янада мустаҳкамлади.

Биз ҳам Маҳмудни қўлга киритган ютуғи билан қутлаб, унинг ғалабалари ва келгуси режалари тўғрисидаги фикрларига қулоқ тутдик.

— Эришган ютуқларимда ўқитувчиларимнинг кўрсатаётган беминнат хизматлари катта. Чунки яқинда пойтахтимизда ўтказилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг илк илмий конференциясида ҳам иштирок этиб, физика фанидан масалалар ечиш муаммосига бағишланган илмий ишим орқали совриндорлар қаторидан жой олишга ва Фанлар академиясининг стипендианти бўлишга муваффақ бўлгандим. Бундан ташқари анжуман сўнгида халқаро олимпиадада қатнашиш учун саралаб олинган 12 нафар ўқувчи орасида менинг номим ҳам борлиги улкан муваффақиятим, деб ўйлайман. Ниятим — физика фанидан май ойида Сингапурда ўтказиладиган халқаро фан олимпиадасида ҳам иштирок этиб, юртимизга олтин медаль билан қайтиш.

ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР

Бу йилги олимпиадада совринли ўринлар учун орият билан, сабр-бардош билан қизғин баҳслар олиб борилгани кўпчиликни завқлантирди. Бу жиҳат 28 март куни ЭҲМ, кимё, тарих, иқтисодий билим асослари, қозоқ тили ва адабиёти фанларидан ўтказилган тест синовларида, айниқса, яққолроқ намоён бўлди. Масалан, ЭҲМ фанидан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 32-мактаб ўқувчиси Рустам Султонов ҳамда Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги 4-лицей ўқувчиси Ибрат Бобожонов ўртасидаги

баҳсни баъзилар "Ориятлилар баҳси" десалар, баъзи бировлар "Икковиям (ҳар бирида 98 балл)дан совринли ўринда, биринчи ва иккинчи ўринни ўзаро келишиб белгиласа, яхши бўларди", мазмунида "таънали" фикрларни билдиришди. Ҳаттоки, ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам вақтни тежаш мақсадида уларга мурожаат қилишди: "Баҳсни тўхтатиб, биринчи, иккинчи ўринни ўзаро белгилай қолинглар!"

— Йўқ, бўлмайди, — деди Ибрат. — Бизга қўшимча саволлар беринг. Сабаби, Қорақалпоғистон Республикаси жамоасида бошқа фанлардан 1-ўрин бор. Хоразм вилояти жамоасидан ҳали бирон иштирокчи биринчи ўринни олишганларича йўқ...

Баланд чўққини кўзлаганни фақат қўллаб-қувватламоқ лозим. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Баҳс давом эттирилди. Ҳар иккала иштирокчига қўшимча саволлар берилди. Омад қатъиятли йигит Ибратга кулиб бокди. Учинчи ўрин эса тошкентлик Абдували Исмоилов (96 балл)га насиб қилди.

Кимё фанидан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳиста Асқарова энг кўп — 97 балл тўплаб, ортиқча баҳсга ўрин қолдирмади. Иккинчи ва учинчи ўринлар Наманган шаҳридаги аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Раҳмон Эгамбердиев (92,5 балл) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Руслан Ургенчбоев (89 балл)ларга насиб этди.

Тарих фани тест синовлари мутлақо бошқача, ҳеч ким кутмаган, қизиқарли вазиятда кечди. Гап шундаки, Наманган вилояти Поп туманидаги 50-ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Улуғбек Жўраев, Жиззах шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Шокир Юсупов, Бухоро шаҳридаги 4-мактаб ўқувчиси Феруз Маҳмудовлар ҳар бири 96 баллдан тўплашиб, бир хил натижа кўрсатишди. Қўшимча берилган топшириқларда ҳам ҳар уччала иштирокчининг кучлари тенг келиб қолгани барчани ҳайратлантирди. Ниҳоят, учинчи бор қўшимча топшириқлар берилганидан сўнг ўринлар қуйидагича тақсимланди: Улуғбек (1), Шокир (2), Феруз (3).

Иқтисодий билим асослари фани беллашувида Андижон вилояти Марҳамат тумани касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Бахтиёр Бобохўжаев 100 балл тўплаб, барча-барчани завқлантирди. Иккинчи, учинчи ўринларни навоийлик Асрорбек Тошев ҳамда бухоролик Ҳаётжон Азимовлар эгаллашди.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ

— Ўғлим Эримбет плейерли бўладиган бўлди, — деди Навоий вилояти Конимех тумани ХТБ методисти Акчагул Тўлегенова қувончини яшира олмай. — Агар шогирдим, туманимиздаги 8-мактаб ўқувчиси Ирина Альжанова умумтаълим фанлари бўйича 2002 йилги республика олимпиадасида қозоқ тили фанидан совринли ўринлардан бирини эгалласа, сенга плейер совға қиламан, дегандим. Яхши ният — ярим давлат, деганларидек, Ирина мазкур беллашувда иккинчи ўрин(96 балл) соҳибаси бўлди.

Бу баҳсда Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 4-мактаб ўқувчиси Феруза Асилова 99 балл тўплаб, биринчи ўринга муносиб эканлигини исботлаган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 25-мактаб ўқувчиси Салтанат Бердимуратова 89 балл билан учинчи ўринни банд этди.

Шу куни она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти (рус мактабларида), тожик тили, чизмачилик фанлари бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам бетакрор лаҳзаларга бой бўлди. Айниқса, она тили ва адабиёти фани мусобақаларида муносибларнинг муносиби, саралар-нинг сараси совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Бунда 1-Тошкент педагогика билим юрти ўқувчиси Камола Тулебердиева ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 1-мактаб ўқувчиси Хуршида Ибодуллаева ўртасидаги 1-ўрин учун тортишув қўшимча берилган тест синовларида Камола фойдасига ҳал бўлди. Фахрли учинчи ўринни эса бухоролик Нодир Мўминов забт этди.

Чизмачилик фани тест синовлари иштирокчилардан бирмунча сабр-бардошни талаб қилди. Албатта, мураккаб чизмалар ҳар қандай билимдонни чалғитиши мумкин. Ана шундай синовларга синчковлик билан ёндашган Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси Ильдар Содиқов ҳар иккала топшириқлар (72+15) якунига кўра мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи, учинчи ўринларни Тошкент ва Фарғона шаҳри иштирокчилари эгалладилар.

ХИЖОЛАТЛИ ҲОЛАТЛАР

Ғолиб ўқувчилар муваффақиятларидан кўнглимиз тоғдай юксалган бўлса, тест синовларидан ғамгин чиқаётган ўғил-қизларни кўриб, очиғи, ўзимизни бироз ўнғайсиз сездик. Ўзимизча айбдорни изладик. Давлат аҳамиятига молик тадбирга айрим жойларда лоқайдлик билан ёндашилмаганмикин, деган фикр хаёлимизда чарх ураверди. Масалан, тест синовларида иштирокчилардан Фарҳод Атаев (Хоразм в.) физика фанидан 32 балл, Хуршид Худойқулов (Сурхондарё в.) математика фанидан 36 балл, Гулистон Чориева (Сурхондарё в.) биология фанидан 30 балл, Жаҳонгир Абдуназаров (Қашқадарё в.) иқтисодий билим асослари фанидан 56 балл, Умрбек Душамов (Хоразм в.) география фанидан 48 балл, Анвар Худойберганов (Тошкент в.) ҳуқуқ фанидан 42 балл тўплаб, олимпиадада энг паст кўрсаткичларга эга бўлдилар.

Француз тили фанидан ўтказилган ёзма ишларда Наргиза Абдуллаева (Тошкент в.), Маърифат Раҳимова (Наманган в.), Муножот Каримова (Хоразм в.)лар бир балл ҳам ололмаганликларини қандай изоҳласа бўлади? Бундай аҳволдан ўқувчиларгина эмас, уларнинг устозлари ҳам хижолатда қолишди.

Бу йилги олимпиаданинг ўтган йилгиларидан фарқи, ўзига хослиги нимада?

— Аввало, жамоатчиликка Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган Низом таништирилди, — деди РТМ директори Гуландон Алимова. — Жойларга методистларимиз чиқишиб, унинг моҳиятини тушунтиришди. Олимпиаданинг туман, вилоят босқичлари ягона тартиб асосида уюшқоқлик билан ўтказилди. Якуний босқичга 211 нафар (шундан 45 нафари академик лицей ва 3 нафари касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидир) ўқувчи саралаб олинди. Республика олимпиадаси нуфузини янада ошириш мақсадида 11 та фандан ёзма ишлар олинди. Бунда ўқувчиларнинг ёзма саводхонлиги, матн тузиш қобилиятлари алоҳида баҳоланди. Математика, физика, кимё фанларидан мисоллар ишланди. Ёзма ишлар иштирокчиларнинг ўзларига кўрсатилди.

Тест синовлари босқичида эса кўп вариантли тестлардан фойдаланилди. Қуръа ташлаш йўли билан танланган тестлар ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида экспертизадан ўтказилди. Шу йўл билан олимпиадада адолатлилик, холислик таъминланди. Муҳими, жараённи ота-оналар, муаллимлар ва жамоатчилик вакиллари махсус телевизорлар орқали қизиқиш билан кузатиб туришди. Айниқса, биология фани баҳсларида 13 иштирокчидан 11 нафари 75 ва ундан юқори балл тўплаганлиги кўпчиликда ҳайрат ва ҳавас уйғотди. Демак, жойларда мазкур фан беллашувлари юксак савияда, белгиланган тартиб, қоида ва талаблар асосида ўтказилганидан дарак беради.

Ундан ташқари, кўплаб жамоаларнинг ўтган йиллардаги мусобақа, баҳслардан тегишли хулосалар чиқариб, беллашувга жиддий тайёрланишгани маълум бўлди. Масалан, бу йилги беллашувда Тошкент шаҳри жамоаси 150 балл (13 та совринли ўрин) билан ўтган йилги мавқеини сақлаб қолди. Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси эса 8-ўриндан 2-ўрин (100 балл - 7 та совринли ўрин)га кўтарилишганини мутахассислар тарихий воқеа, деб баҳоладилар. Учинчи ўринга 65 балл тўплаган Наманган вилояти жамоаси муносиб, деб топилди. Шу аснода ҳар бир 1-ўрин — 15, ҳар бир 2-ўрин — 10, ҳар бир 3-ўрин — 5 балл билан баҳоланганини қайд этиш жоиз.

МАХСУС МАКТАБЛАРДА БЕЛЛАШУВЛАР ҚАНДАЙ ЎТДИ?

27 март куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Й. Охунбобоев номидаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатида она тили ва адабиёти ҳамда математика фанларидан ҳам беллашувлар ўтказилди. Беллашувнинг биринчи босқичида ўқувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилияти, бугунги кунга муносабатларни қоғозда баён этиш қобилиятлари синалди. Энг яхши иншолар максимум 20 баллик тизим асосида баҳоланди. Иккинчи босқичда эса, улар махсус дастур асосида тузилган 20 та тест саволларига жавоб бердилар. Бунда ҳар бир тўғри жавоб 4 балли тизим асосида баҳоланди.

Шундай қилиб, она тили ва адбиёти фанидан Андижон вилояти Асака туманидаги 16-махсус мактаб-интернат ўқувчиси Феруза Турғунова 94 балл билан 1-ўринни, Хоразм вилояти Хива туманидаги 121-махсус мактаб-интернати Н.Қиличев 92 балл билан 2-ўринни, Наманган вилояти Косонсой туманидаги 45-махсус мактаб-интернати ўқувчиси О.Дадамирзаев 90 балл билан 3-ўринни эгалладилар. Таъкидлаш жоизки, ҳар қайси ўқувчи ўзининг тиришқоқлиги билан синовларда фаол иштирок этдилар. Мазкур фан бўйича ўтказилган олимпиада сўнгида ҳакамлар ҳайъати раиси педагогика фанлари доктори Роҳатой Сафарова синов натижалари тўғрисида, жумладан, шундай деди:

— Бу йилги олимпиада ўтган йилгиларидан кескин фарқ қилади. Айтиб ўтиш лозимки, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидан келган ўқувчиларнинг ижодий фикрлашлари ва ўз тасаввурларини қоғозда акс эттира олиш кўникмалари юқорилиги синовларда намоён бўлди. Бироқ, уларнинг назарий билимлари яъни, граматик услубий ва тест синовларида йўл қўйган хатолари уларнинг совринли ўринни эгаллашларида панд берди. Андижон ва Самарқанд вилоятининг ўқувчилари бундай натижага эришишларини биз кутмаган эдик. Ўтган йиллардаги олимпиадалар натижалари шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятининг ўқувчилари аксарият ҳолларда фахрли ўринларни қўлга киритишган. Бу ҳолат эса Андижон вилояти вакилларида аксинча эди. Энг асосийси, ўқувчиларнинг фикрлашлари, илмий салоҳияти, дунёқарашлари кенг, бугунги кун руҳи билан яшаш, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир ўқувчининг ҳаётдаги бош мақсадига айланаётганлиги мусобақалар давомида сезилиб турди.

Умумтаълим фанлари олимпиадаларида, шунингдек, математика фанидан ҳам сўнгги босқич ғолибларини аниқлаш бироз мушкул бўлди. Мазкур фандан синовлар икки босқичда бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги махсус мактаб-интернати ўқувчиси Ким Александр 81 балл билан биринчи ўринни, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги вилоят махсус мактаб-интернати ўқувчиси Т.Севунов 79 балл билан иккинчи ўринни, Самарқанд шаҳридаги 59-махсус мактаб-интернати ўқувчиси Ж.Муқимов 76 балл билан учинчи ўринни эгалладилар.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, педагогика фанлари номзоди, доцент Раҳматжон Охуновнинг олимпиадада ўқувчиларнинг иштироки, илмий салоҳиятининг йилдан-йилга ошиб бораётганини қайд этди:

— Ўқувчиларнинг тиришқоқлиги уларнинг ёзма ишларида яққол намоён бўлди. Ҳар бир топшириққа жуда кенг ўйлаб чуқур мулоҳаза қилиб жавоб берганлар. Бу йилги синовларда биз аввалгилардан фарқли ўлароқ, иштирокчиларнинг нафақат саволларга жавоб қайтаришига, шунингдек, уларнинг сонларни тартиб билан аниқ ёзишларига ҳам эътибор бердик.

66 НАФАР ЎҚУВЧИ — ТАЛАБА

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, умумтаълим фанлари бўйича 2002 йилги республика олимпиадасининг барча босқичлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма ҳайъат қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Низом асосида ўтди. Ушбу Низомда кўзда тутилган асосий мақсад, мазкур фан олимпиадаларини ҳам халқаро фан олимпиадалари мезонларига тенглаштириш эди. Маълумки, халқаро фан олимпиадаларига тест топшириқлари киритилмаган бўлиб, ўқувчилар билими ва иқтидори оғзаки ҳамда ёзма топшириқлар асосида белгиланади. Шу тамойилга асосланиб бу йил 11 фан бўйича олимпиаданинг барча босқичлари 2 турда — ёзма ва тест синовлари тарзида ўтказилди. Яна бир янгилик шундан иборат бўлдики, вилоят босқичи ўтган йилларда вилоят халқ таълими бошқармалари ташкилий қўмиталари томонидан тузилган тест топшириқлари асосида бўлиб ўтарди. Бу эса ҳар бир вилоятда ғолиб бўлиб республика босқичига келаётган ўқувчиларнинг билими турли даражада бўлишига олиб келаётган эди. Бу йил янги Низом ва ишлаб чиқилган тартибларга кўра вилоят босқичларида ҳам ўқувчиларнинг билимлари республика ташкилий қўмитаси томонидан тайёрланган топшириқлар ва тестлар асосида баҳоланди. Натижалар эса охирги 4-босқичда — ўқувчиларнинг нақадар чуқур билимга эга эканликлари, эришилган натижаларда ўз аксини топди.

Бир сўз билан айтганда, ўтказилган ушбу фан олимпиадалари ёшларни камол топтиришда ўзига хос аҳамият касб этди. Буни республика халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусаев ҳам қайд этар экан, ғолиб ўқувчилар ҳамда уларнинг ўқитувчиларини чин дилдан қутлади. Шундан сўнг олимпиадада 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган 66 нафар ўғил-қизга махсус гувоҳномалар топширилди. Уларга муддатидан олдин талабаликка йўлланма берилди.

Олимпиаданинг тантанали ёпилиш маросимида қатор элчихоналар, жамғарма ва ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, ғолиб ва иштирокчиларни ўзлари таъсис этган мукофотлар билан тақдирладилар.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Баҳодир ЖОВЛИЕВ,
Райҳон ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбирлари

Суратларда: олимпиада жараёни ва ёпилиш маросимидан лавҳалар акс этган.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

2001 йилда ота-оналар ёрдами билан мактаб қошида ташкил этилган иссиқ нон цехи аҳолига хизмат кўрсатиб, 1 миллион 200 минг сўм даромад келтирди.

Филологларимиз томонидан академик лицейлар учун 240 соатга мўлжалланган "Ҳозирги — ўзбек адабий тили" курси бўйича ўқув дастури тайёрланди ва бу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги танловида ғолиб деб топилиб, кўп тиражда нашр этилди.

Ma'rifat

АМАЛИЙ ТРЕНИНГ

Ўқувчиларда ижобий тафаккурни ривожлантириш учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ижодий тафаккур қобилиятига ва уни ўзгаларга сингдириш маҳоратига эга бўлиши зарур. Шу нуқтаи назардан қаралганда яқинда Термиздаги Олимпиада заҳиралари мактаб-интернатида бўлиб ўтган "Танқидий фикрлашни ривожлантиришда ўқиш ва ёзишнинг аҳамияти" мавзусидаги амалий тренингнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди.

Республика Таълим маркази ва Очиқ Жамият Институти—Ўзбекистон (Кўмак Жамғармаси) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда вилоятдаги барча шаҳар ва туман методика кабинетлари ходимлари, илғор ўқитувчилар иштирок этдилар. Машғулотлар РТМнинг масъул ходимлари, тренерлар Р.Каримова, Т.Турсунов, У.Хомутов томонидан қизиқарли ва сермазмун тарзда ўтказилди.

Тренинг иштирокчилари ноанъанавий дарс ўтишнинг янги қирраларини билиб олдилар. Муҳими, улар илғор услублар ва ҳаракатдаги ўйинлар, кўргазмали қуроллар орқали ўқувчига мавзуни етказиш сир-синоатларини ўргандилар.

Г.ТАНГИРОВА

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙДИ

Ш.Рашидов тумани марказий кутубхонаси маъмурияти Қарияларни қадрлаш қили муносабати билан ҳафтанинг бир кунини қарияларга хизмат кўрсатиш учун ажратдилар.

Шу куни кутубхона ходимлари ногиронларга, кутубхонага келолмаётган қарияларга газета, журнал ва китоб етказиб берадилар. Шу билан биргаликда уларни республика, вилоят ва туман ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги янгиликлар билан таништириб борадилар.

Бу тадбир ўзининг яхши самарасини бермоқда. Жумладан, 2002 йилнинг ўтган икки ойида биргина марказий кутубхона китобхонларининг сони 400 нафарга кўпайди. Шуларнинг 30 нафарини қариялар ташкил қилади.

Ш.Рашидов тумани кутубхоначиларининг бу ташаббуси эндиликда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам қўллаб-қувватланаётир.

Сирдарё вилояти, "Туркистон-пресс"

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ДОИМО ИЗЛАНИШ КЕРАК

Бутун мустақил юртимизда янги авлод шаклланаётган экан, бу борада ҳамма бирдек ҳаракат қилиши лозим. Чунки, ҳозирги шароит жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёт мафкуралар тажовузига қарши тура оладиган ҳар томонлама етук инсонларни вояга етказиш заруратини юзага келтирди. Шу сабабли таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ижодкор, ижтимоий фаол, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланган, мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятли шахсни камолга етказиш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш давлат сиёсатида асосий ўринни эгалламоқда.

Жумладан, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ҳам таъкидланиб, таълим сифатини яхшилаш вазифалари белгилаб берилган. Шу жиҳатдан мактабдан ташқари муассасаларда ўқувчи-ёшларни доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор этиш, уларнинг ғоявий тарбиясини тўғри ташкил қилишда олиб борилаётган ишлар муҳим ўрин тутади.

Биз Республика ўқувчилар техник ижодиёти Маркази директори Толибжон Қорабоев билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Онгида мафкуравий бўшлиқ ҳосил бўлган айрим ёшларнинг қандайдир ёт унсурлар домига тушиб қолиб, охир-оқибатда пушаймон еганларидан баримизнинг хабаримиз бор. Шу сабабли, мазкур Республика маркази ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлодга миллий истиқлол ғоясини сингдириш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Дарҳақиқат, бу борада мактабдан ташқари таълим муассасаларининг узвий қисми бўлган техник ижодиёт марказларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Миллий истиқлол ғоясини таълим жараёнига, шунингдек, тўгаракларнинг ўқув режаларига киритилиши бу йўлдаги дастлабки қадам бўлди. Ушбу муҳим ва долзарб вазифани ҳал этиш, аввало, ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, уларнинг бекорчи бўлиб қолишларига йўл қўймасликдан бошланади. Зеро, ўсмирлик ниҳоятда таъсирчан, ҳис-туйғулар ва эҳтиросларга берилишга мойил бўлган ўзига хос давр ҳисобланади.

Шу сабабли ёшларни турли хил тўгаракларга, тадбирларга жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Марказ фаолияти нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, биринчидан, ўқувчи ёшларни техник ижодиётга жалб этишда, улар билан иш олиб боришнинг қуйидаги услубларидан фойдаланиш лозим бўлади:

— ёшлар уюшмалари таркибига "Ихтирочилар" гуруҳини киритиш;

— фан-техника ютуқлари мавзусида конференциялар ўтказиш;

— илмий тадқиқот олийгоҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

— сиртқи тўгарак аъзоларининг учрашувларини ташкил этиш.

Иккинчидан, тўгаракларнинг фаолиятини такомиллаштиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бунинг учун:

— тўгараклар ўқув дастурларини мамлакат ҳаётига мослаш;

— иқтидорли болаларни излаш ва тўгаракларга жалб қилиш;

— янги йўналишдаги, замон талабларига мос тўгаракларни кўпроқ очиш зарур.

Учинчидан, иқтидорли ва қобилиятли болалар билан иш олиб боришда:

— тўгарак дастурларини мукаммалаштириш мақсадида тажриба-синов майдонларини барпо этиш;

— техник ижодиётни мактабга яқинлаштириш учун махсус синфлар тузиш;

— ёзги "Агроистеъдод" мактабини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

— Кези келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси аграр мамлакат ҳисобланади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, "Агроистеъдод" мактабининг мақсад ва фаолияти ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Бу борада тажрибамиз бор. 1995 йили Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 45-мактаб ва 1997 йил 16-мактаб қошида ўқувчи-ёшларга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналари ҳақида билим берувчи махсус синфлар ташкил қилинди. Бугун кўргазмали воситалар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган мазкур синфларда ўқувчиларга фан номзодлари, доцентлар ва етук мутахассислар таълим бермоқдалар.

Шунингдек, уни янада такомиллаштириш ҳамда вилоятлардаги ўқувчиларни жалб этиш учун ҳар йили Тошкент вилоятидаги "Меҳржон" оромгоҳида ёзги "Агроистеъдод" мактаби ўтказиб келинади. Хусусан, биз бу борада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш Маркази, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрофикациялаш институти, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларини синов ва сертификациялаш институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги инженерларини тайёрлаш институти, Республика давлат Патент идораси ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. "Агроистеъдод"га Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 60 нафар қишлоқ хўжалигини механизациялашни ўрганиш бўйича ихтисослашган мактаб ўқувчилари синов асосида танлаб олинадилар. Ўйлайманки, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг дам олишлари ҳамда ўз устида ишлашлари учун кенг имкониятлар яратишда ушбу мактаб алоҳида ўрин тутади.

Бундан ташқари 20 соатга мўлжалланган илмий-техникавий, умуминсоний ва махсус ҳамда маданий дастурлар асосида олиб бориладиган "Агроистеъдод" ўқув жараёнида ўқувчилар илмий асосланган ғоялар устида иш олиб борадилар, лаборатория ва амалий машғулотларда қатнашадилар. Ва ниҳоят, мактабни битириб чиқаётганларида уларга гувоҳнома берилади.

— Биламизки, бирор киши ихтиро яратгудек бўлса, у ўша нарсаси учун давлат Патент идорасидан патент олиши керак, йўқса у ўз ихтироси устидан муаллифлик ҳуқуқини сақлаб қола олмайди. Мана шу нарса техник ижодиёт Марказида қай даражада тарғиб этилмоқда?

— Юртимизда қадимқадимдан кўплаб фан соҳалари ривож топган. Фарзандларимиз биз катталарнинг хаёлига келмаган ихтиролар, кашфиётларни яратадилару лекин уларни патентлаш ҳақида тўлиқ тушунчага эга эмаслар. Шунинг учун биз ўқувчи ёшларга бу борада батафсил маълумотлар бериб бормоқдамиз. Ва улар қандай қилиб ўз муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари кераклиги ҳақида тушунтириш ишларини ташкил этганмиз. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, айни вақтда ёшларнинг ҳар томонлама етук ривожланишлари, жумладан иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш, уларга бўлган эътиборни кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини тўла ҳис этиб меҳнат қилмоқдамиз.

Зеро, ёшларимизни истиқлол ғояларига содиқ фарзандлар қилиб тарбиялаш шарафли вазифадир. Бугунги ҳаёт барчамиздан янгича фикрлаб, янгича ёндашувни ҳамда доимий изланишни талаб этади. Уларни бажариш, жамиятимизнинг пировард мақсадларига етишиш учун мазкур соҳадаги фаолиятимизнинг амалий йўналишларини янада аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Камолиддин АЛИОХУНОВ, "Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

Жиззах вилояти Жиззах шаҳар У.Абдулҳамидовдан:

Савол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелда қабул қилинган 178-сонли қарори мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ўқитувчилари ва тарбиячилари, мураббийлар учун тааллуқлими ёки йўқми?

Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 178-сонли қарорига асосан, қуйидаги педагоглар имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгалар:

— барча хилдаги умумтаълим мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари, педагоглик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсиядаги мактаб ўқитувчилари ва болалар уйи тарбиячилари;

— мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилари, ўқитувчилари, касб-ҳунар таълими тизими ишлаб чиқариш усталари ва ўқитувчилари, олимпия заҳиралари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари директорлари, директор ўринбосарлари, устоз-мураббийлари, инструктор-методистлари, маданият ишлари вазирлигига қарашли болалар санъат ва мусиқа мактаблари директорлари, директор ўринбосарлари, ўқитувчилари, концертмейстерлари, мактаб-интернат ва болалар уйлари махсус фан ўқитувчилари, мусиқа раҳбарлари ҳамда шу тоифадаги педагогик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар;

— олий ва ўрта махсус таълим ўқув муассасаларининг профессор ўқитувчилари таркиби, илмий ходимлари ҳамда ўқув ёрдамчи ходимлари ва шу тоифадаги педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерлар.

Й.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

Maktablar hayotidan

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МУШТАРАК БЎЛСА...

Хатирчи туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг педагогик жамоаси таълим ва тарбиянинг ноёб қирралари орқали ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Мактабдаги 43 та синфхоналари ДТС талаблари асосида таълим ва тарбияга оид кўргазмали қуроллар, жадвал, диаграммалар ҳамда олим, ёзувчиларнинг илмий-бадиий асарларининг мазмуни ва қаҳрамонлари ҳақида маърузалар билан жиҳозланган. Айниқса, ҳар бир фан кабинетида ташкил этилган мустақиллик бурчаги пештахтасида Президентимиз Ислом Каримов асарлари, миллий истиқлол ғояси ва Конституцияни ўрганишга доир асарларнинг мавжудлиги ўқувчининг эътиборини ўзига жалб этади.

— Мактабимиз асосан информатика фани, инглиз, немис, рус тилларини чуқур ўрганишга йўналтирилган, — деди мактаб директори Муҳаммадамин Ҳайдаров биз билан суҳбатда.

Билим учоғида таҳсил олаётган 1258 нафар ўқувчига 7 миллат вакилларидан иборат 94 ўқитувчи дарсларни ўзбек ва рус тилларида олиб борадилар. Ўқувчиларнинг барчаси компьютерда ишлаш кўникмасига эгалар. Мактаб қошидаги қишки ва ёзги спорт ўйингоҳи ўқувчилар ихтиёрида бўлиб, спортнинг кўплаб турлари бўйича тўгараклар ташкил этилганлиги боис ўқувчиларнинг 90 фоизи спорт билан шуғулланишади.

2002 йилда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг вилоят босқичида қўл тўпи, стол тенниси бўйича мактабнинг терма жамоаси туман шарафини ҳимоя қилиб, фахрли биринчи ўринни эгаллаганлиги юқоридаги фикримиз исботидир. Айни кунда мактабда спортнинг қураш, оғир ва енгил атлетика турлари бўйича иқтидорли спортчиларни саралаш бўйича спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, мактаб кутубхонаси қошида буюк сиймолар ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий кечалар, суҳбат ва мулоқотлар ўтказилиши натижасида ўқувчилар фанларни пухта ўзлаштириб боришмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мактаб кутубхонасидаги 9500 нусхадаги китоб фондидан 1140 нафар ўқувчининг фойдаланиши уларнинг китобхонлик даражасини ва берилаётган таълим-тарбия самарадорлигини оширмоқда. Ўқувчиларнинг билим олишларига берилаётган эътибор натижасида 2000-2001 йилларда мактабни тугатган 32 нафар битирувчилар республикамиз олий ўқув юртларига, қолганлари ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришган. Мактаб охирги 3 йил давомида туманда биринчи ўринда келаётганлиги ҳам мактабда маънавий ва маърифий ишларнинг мазмуни таълим ва тарбиянинг муштараклигига қаратилганидан дарак беради.

Мактаб қошида "Ёш рассомлар", "Ёш раққосалар", "Ёш техниклар", "Ёш математиклар", "Ёш информатиклар" ва бошқа тўгаракларда тажрибали ўқитувчилардан М.Байгузин, М.Ҳайдаров, Б.Пўлатов, А.Солиев, Б.Нацаренус, Л.Кемплар раҳбарлик қилмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мактаб раҳбарияти ҳомий ташкилотлар ҳамда "Маънавият ва маърифат", "Камолот" ЁИҲ, хотин-қизлар қўмитасининг туман, вилоят бўлимлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатгани ҳолда Қарияларни қадрлаш йилига бағишлаб кўплаб тадбирлар ўтказмоқдалар.

Бундан ташқари мактаб раҳбарияти томонидан сармоядан ташқари даромад топиш бўйича ҳам амалий ишлар амалга оширилган. 2001 йилда ота-оналар ёрдами билан мактаб қошида ташкил этилган иссиқ нон цехи аҳолига хизмат кўрсатиб, 1 миллион 200 минг сўм даромад келтирди. Топилган маблағнинг бир қисми ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ўқув дарсликлари ҳамда аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш учун стипендиялар жорий этишга йўналтирилди. Бу ҳам мактабда ёшлар камолотига муҳим эътибор берилаётганлигидан нишона.

Ўткир ПЎЛАТ

Ҳозирги кунда ёш авлоднинг таълим тизимида қўлга киритаётган ютуқлари, шубҳасиз, устоз-мураббийларнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 85-ўрта мактабнинг физика-математика фани ўқитувчиси Раҳматилла Шерматов ҳам шогирдларининг жамиятда ўз ўринларини топиши учун тинимсиз изланишда.

Суратда: математика дарсида.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗ

Malaka oshirish

Республикамизнинг турли ҳудудларидаги олий таълим муассасаларида минтақавий малака ошириш факультетлари ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. Хўш, бунинг афзал томонлари нималардан иборат?

Мухбиримиз Андижон Давлат университети кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази директори, филология фанлари доктори, профессор Абдулҳамид Нурмонов билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Домла, Андижон Давлат университетида ҳам уч йилдан буён кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Маркази ишлаб турибди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш соҳасида қандай ишлар амалга оширилди?

— Мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш алоҳида-алоҳида тур сифатида узлуксиз таълим тизимини ташкил этмоқда. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ходимларининг малакасини ошириш олий ўқув юртлари билан ўзаро алоқадорликни кучайтиришга пухта замин яратди. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг энг янги ва сўнгги материалларни тингловчиларга етказиш имконияти туғилди.

Университетимиз қошидаги кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказида Фарғона водийсидаги олий ўқув юртларининг физика, математика, ватан тарихи ва ўзбек филологияси ихтисослиги бўйича профессор-ўқитувчилари ҳамда Андижон вилоятидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг барча фан ўқитувчилари вақти-вақти билан курсларга жалб қилинаяпти.

Бунинг учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, дарслар янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади. Компакт дискларга ёзилган мавзуларни экранда намойиш қилиш тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Шунингдек, марказ интернет тармоғига уланган.

Марказда малака оширишга келган тингловчилар билими икки марта тест синовидан ўтказилади: курс бошланишида ва якунида. Бошланғич ва якуний тест синовлари натижалари солиштирилиб таҳлил этиб борилмоқда. Малака ошириш самараси тест синовлари натижаларида яққол намоён бўлаётир.

Тингловчиларга университетимизнинг энг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари дарс берадилар. Шунингдек, республикамизнинг йирик фан арбоблари дарс беришга таклиф қилинадилар. Хусусан, фан докторлари, академиклар А.Ҳожиев, А.Рустамов, С.Мамажоновлар марказнинг мунтазам меҳмони бўладилар.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида малака ошириш тизимида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан узвий алоқани йўлга қўйиш назарда тутилган. Ана шундай алоқа сизларда қандай ташкил этилган?

— Саволингиз жуда ўринли. Марказ вилоятимиздаги барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Алоқа янада мустаҳкамроқ бўлсин учун Андижон шаҳар саноат касб-ҳунар коллежида марказнинг филиали очилган. У ерда деканат ташкил этилган. Бу эса вилоятдаги ўрта махсус ва касб-ҳунарни таълими муаммоларини яхшироқ ўрганиш ва уларни бартараф қилишга услубий ёрдам кўрсатиш имкониятини яратмоқда. Шунингдек, Асака академик-лицейида университет кафедраларининг филиаллари очилган. У ерда кўзга кўринган профессор-ўқитувчиларимиз дарс бермоқдалар. Лицейнинг иқтидорли ўқувчилари илмий ишларга жалб этилмоқда.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун янги ўқув дастурлари ва дарсликлари яратиш борасида ҳам марказимиз фаоллик кўрсатаяпти. Филологларимиз томонидан академик лицейлар учун 240 соатга мўлжалланган "Ҳозирги — ўзбек адабий тили" курси бўйича ўқув дастури тайёрланди ва бу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги танловида ғолиб деб топилиб, кўп тиражда нашр этилди. Шунингдек, ана шу дастур асосида уч босқич талабалар учун уч жилддан иборат дарслик ёзилди. Ҳозирги кунда бу дарсликнинг биринчи жилди нашрдан чиқди ва академик лицейларга фойдаланиш учун тарқатилди.

— Марказ хориждаги ўқув юртлари билан ҳам алоқалар ўрнатганми?

— Марказимизнининг доимий маърузачилари профессорлар С.Зайнобитдинов, Қ.Парпиев, Р.Олимов ривожланган давлатлар таълим тизимини ўрганиб қайтишди. Уч нафар профессор-ўқитувчиларимиз яқин ойлар ичида ғарб мамлакатларига малака оширишга жўнаб кетишади.

О.СИДДИҚОВ, суҳбатлашди

Ўзбекистон ўз товарларини Қора денгиз портлари орқали жаҳон бозорига олиб чиқиши билан минг километр масофа ютади, шу билан бирга вақт ҳам тежалади. Ваҳоланки, илгариги "шимолий" йўналиш узундан узоқ эди.

Ҳумоюн Мирзо хасталигида табиб Бобур Мирзога "Энг қадрли нарсангизни атанг", деганда шоҳ Бобур "Энг қадрли нарсам — жоним, жонимни берайин", деган экан.

КЎҲНА ҚАДРИЯТ — ИМКОНИЯТЛАР ПИЛЛАПОЯСИ

Азиз муштарийлар, хабарингиз бор, газетамизнинг олдинги сонларида "Буюк Ипак йўли" илмий-тадқиқотлар маркази бош мутахассиси Зокир Райимжонов билан қилган суҳбатларимизда Буюк Ипак йўли тарихи ва бу қадимий йўлни тиклашнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритган эдик. Бугунги субатимиз ҳам ўтган галги суҳбатимизнинг давоми сифатида газетхонларга ҳавола этилмоқда.

— Зокир ака, олдинги суҳбатимиз Марказий Осиё, Кавказ, Европа Иттифоқи давлатлари вакилларининг Брюссель учрашувида (1993й.) Европа-Кавказ-Осиё (ТРАСЕКА) транспорт йўлагини очиш ҳақида декларация қабул қилгани ҳақидаги сўзлар билан якунланган эди. Энди айтинг-чи, ТРАСЕКА лойиҳаси мамлакатимиз учун қай даражада аҳамият касб этади?

— Аввало айтиш жоизки, 1998 йил Хельсинкида ўтказилган халқаро анжуманда ТРАСЕКА Европа транспорт тизимининг энг асосий лойиҳаси сифатида тан олинган эди. У фақатгина савдо-сотиқ йўли бўлиб қолмасдан, нефть ва газ қувурлари, ер ости кабеллари тортиладиган йўналиш ҳамдир. Шу йили Шанхай-Тошкент-Франкфурт йўналиши бўйича замонавий оптик алоқа тизимининг ишга туширилиши, Боку-Супса йўналишида Каспий денгизи нефти ва газини экспорт қиладиган қувурлар тортилиши шулар жумласидандир. Қувонарлиси, ТРАСЕКА лойиҳасида иштирок этувчи давлатлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Украина, Монголия, Молдова, Туркия каби давлатлар ҳам унда иштирок этмоқда. Ушбу лойиҳанинг, айниқса, мамлакатимиз учун аҳамияти каттадир. Чунки юкларни ТРАСЕКА йўналиши асосида ташиш анча қулай ва арзондир. Масалан, Ўзбекистон ўз товарларини Қора денгиз портлари орқали жаҳон бозорига олиб чиқиши билан минг километр масофа ютади, шу билан бирга вақт ҳам тежалади. Ваҳоланки, илгариги "шимолий" йўналиш узундан узоқ эди.

1998 йилнинг бошига келиб, ТРАСЕКА лойиҳаси бўйича 30 млн. ЭКЮга тенг бўлган 22 та илмий-техник лойиҳаларга пул ажратилди. ТРАСЕКА йўлидаги турли хил инфрақурилмаларни қайта таъмирлаш учун 20 млн. ЭКЮ берилди. Лойиҳага техник ёрдам бериш учун жаҳоннинг жуда кўп молиявий ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ТРАСЕКА йўналишидаги портлар, автомобиль ва темир йўлларини таъмирлаш учун 250 млн. доллар ажратишни ўз зиммасига олди. Жаҳон банки эса Арманистон ва Грузия автомобил йўлларини таъмирлашга 40 млн. доллар ажратадиган бўлди. Хуллас, ҳозирги кунда мазкур лойиҳа юзасидан 63 млн. долларга тенг бўлган 35 та илмий лойиҳа амалга оширилиб, тугалланиш арафасида турибди.

Ушбу лойиҳа давлатимизнинг келажакдаги геосиёсати ва геостратегияси учун беқиёс аҳамиятга эга. Чунки Европани Кавказорти республикалари, Марказий Осиё ва Хитой билан боғловчи бу йўлнинг асосий қисми айнан Ўзбекистон ҳудудидан ўтади. Шу туфайли мамлакатимиз ТРАСЕКА йўналиши бўйлаб Европанинг йирик портларига темир йўл, автомобил йўли, денгиз йўли ва дарё орқали ҳам чиқиб бориш имкониятига эга бўлади. Бу билан лойиҳа бўйлаб қурилажак ва қурилган янги йўллар халқаро алоқаларимизни кучайтиради, геосиёсий ва геостратегик мавқеимизни янада мустаҳкамлайди. Шу ўринда қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истардим. Пекин, Мари, Тошкент, Олмаота, Истамбул темир йўлининг қурилиши катта аҳамият касб этади. Ундан ташқари, Босфор бўғозининг остидан Европага ўтадиган темир йўл, автомобил йўли учун тоннел қурилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон келажакда бу йўлдан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади (унинг иккинчи қисми Афғонистон орқали Ҳиндистонга ўтади).

Грузия билан Туркия ўртасидаги қурилажак Карс-Ахалқалъа темир йўли ёки Тбилиси-Ахалқалъа йўлининг қайта тикланиши (лойиҳа 250 млн. доллар қийматга эга) Тошкент-Истамбул йўлини 500 км.га қисқартиради. 1996 йилда лойиҳа доирасида тарихий воқеа содир бўлди. Мари (Туркманистон) — Машҳад (Эрон) темир йўли ишга тушиб, Тошкент — Таджен, Серахс, Эроннинг Бандар — Аббос портига борадиган ҳалқа темир йўл бўлиб бирлашди.

— Ўзбекистон ТРАСЕКА лойиҳасидан бошқа ташкилотга ҳам аъзоми?

— Давлатимиз ТРАСЕКАдан ташқари ГУУАМ ташкилотига ҳам аъзо. Хабарингиз бор, ўтган йилнинг июнь ойида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ГУУАМнинг ялпи саммитида иштирок этиб қайтган эди. Саммитда ГУУАМга аъзо давлатларнинг барчаси ТРАСЕКА лойиҳасини қўллаб-қувватлашларини билдиргандилар.

Ўзбекистон ҳозирги кунда ТРАСЕКА лойиҳасининг энг фаол амалиётчисига айланган. Масалан, ушбу лойиҳа бўйича ҳукуматимиз ва шахсан Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари туфайли унинг Ўзбекистондан ўтган қисмларида қисқа муддат ичида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент-Андижон автомобил йўли қайта таъмирланди. Муҳим аҳамият касб этувчи Қамчиқ, Резак довонларидан ўтувчи йўл ва Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи ишга туширилди. ТРАСЕКАнинг келажакдаги узвий қисми бўлмиш Чингелди-Самарқанд темир йўл қисми қайтадан таъмирланди.

Шерали МАҲМАРАЙИМ ўғли суҳбатлашди

"Navro`z — boqiy bayram" tanloviga

ТАНИЙСАН-А МЕНИЯМ, НАВРЎЗ

(бадиа)

Танийсан-а мениям, Наврўз.
Наврўзни ҳуув етти юлдузга боқкан кеча таниганман.
Ҳутнинг аввалида, ҳали сандал олинмаган пайт, унинг теварагида ўтириб, гурунглашдик. Энам, шаҳарда яшайдиган тоғам, қўшни қишлоқда турадиган опам, мен — гурунгимиз узоқ чўзилди. Кўзим ялашибди бир маҳал, сандал элитдими... Ярим уйқуда эканман, қулоғимга беш яшар жиянимнинг гурунги чалинди:
— Эна, мен Наврўзда туғилганман-а?
— Ҳа.
... Ой билан собиқаси келишган юлдузлар қур олади. Ўртада "етти оғайни юлдуз". Энам айтган нақл қўйида пичирлайман: "Етти юлдуз, етиган юлдуз, еттигача санаса савоб эмиш". Бир нафасда етти маротаба айтиш керак экан...
Ойдин кечаларни соғинаман.
Гаштакларни, гурунгларни.
Сайилтепада "йилбоши" бўлаяпти. Шодиёр бова гурунг бераяпти: ".... Фалон йили фалон бой улларига тўй қипти. Гир теваракдан одамлар оқиб кепти. Еттита чортоққа еттита улоқ ташлаб, кўпкари берипти. Ана кўпкарию мана кўпкари.
Кўпкарининг овозаси тинмаган кунларнинг бирида Наймандан иккови Жомга борипти. Бир ишмиқнан борган-да. Борганакан, фалончи оқсоқол уларга: "Собирсойдаги кўпкарига бордиларингма?"— депти. "Бордик" — депти буларам. "Нимани кўрдиларинг?". "Шу, катта тўй бўлди, катта кўпкари бўлди". "Йо, нимани кўрдиларинг?". "Шундай, еттита чортоққа еттита улоқ ташлади, зўр кўпкари бўлди". "Айй, шу кўпкарида нимани кўрдиларинг деяппан". "Мингдан ортиқ от бўлди, солимлар зўр, қиёмат кўпкари бўлди-да. Хо, Сиз нимани кўрдингиз, оқсоқол"—деганакан, оқсоқол: "Мен фалончининг отининг ёлимин а н Эшонқулнинг бўйнини томоша қилдим"— депти".
Ҳаётдан ҳеч нарсани кўрмай ўтишдан асрасин.
Нигоҳим хаёл тулпорлари ёлида учаётган кеча Наврўзни бутун бўй-басти билан кўраман. У бир қўшиқ. Энг.....қўшиқ...
Гўзал қўшиқларнинг қаноти бўлади. Сизни ҳам кенгликларга кўтариб учади. Тинглаб кўринг-а:
Баҳор айёмидур, даги йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий шароби нобким ишрат замонидур...
Бу қўшиқни бир сўз билан таърифлаш лозим бўлса, шундай дер эдим: К Е Н Г Л И К.
Баҳор айёми — Наврўзда ҳам ана шундай кенглик бор.
"Келса гар Наврўзи олам, гаштин инсондан сўранг". Кенгликларни тусаган кўнглим Наврўзга илтижо қилади:
Илғаб бораётир
мени фасллар —
Киргиси келмайди қўйнимга.
Бугун эса — Наврўз,
Умидворман ундан.

Бир шеър сўровдим
Қуёшдан —
Хазонлар олиб
кетиб қолибди.
Қорлар сингдириб
юборган Ерга,
Сен мени алдама, Наврўз.

Чўмилмоқ истовдим камалакрангга —
Ёмғир ювиб кетди
рангларни.
Совуқ қотган тиланчидай
қалтироқдаман,
Иситиб қўясан-а, Наврўз.

Сени соғинаман,
мехрлисан-а,
Ҳамма яхши кўрадия сени.
Менгаям бир кириб
кетасан-а,
— Наврўз ҳам Наврўзда туғилган-а?
— Ҳа.
— Унда нимага менинг отим — Ёдгор?
...
Уйқум очилиб кетди. Сўроғига жавоб ололмаган жияним яна давом этди:
— Эна, Сожида аммам Сизни нима дейди?
— Янга дейди.
— Қизман аммам-чи?
— Келин дейди.
— Эна, эна, отам ўлмаган бўганда, Сизни нима дер эди?
...
— Эна, мениям Наврўз денг, майлима?
— Майли...
Наврўзни яна соғиниб кетдим. Унинг тезроқ келишини, кўнгилларга киришини, ҳамма-ҳаммани қучоғига олишини истадим.
Дунёни яшартириш, кўнгиллар ғуборини ювиш учун У кириб келди. Бир қўшиқ бўлиб, кенг қўшиқ, шеър бўлиб.

Ўйлагим келмайди
ёмонлар ҳақида,
Сўйлагим келмайди
хазонлар ҳақида,
Куйлагим келмайди
армонлар ҳақида,
Ахир бугун Наврўз, дўстгинам.

Ўтмишга дўнар қиш,
боқиши паришон,
Сувларда не ташвиш,
оқиши паришон,
Ёмғир кўз ёшими дилпарча
ошиқнинг,
Чечакка марварид
тақиши паришон.

Қоқигул сарғаяр, дилида
доғи бор,
Бойчечак жилмаяр,
болалик беғубор,
Не қилса арзийди ушбу
кун гул-чечак,
Уники шу тупроқ, уники
шу баҳор.

Қай кўнгил қўшкида тож-
тахтли бўлармиз,
Ундан сўнг ўлгунча то
аҳдли бўлармиз.
Эртага.... эртага биз
бахтли бўлармиз,
Ахир, бугун Наврўз, дўстгинам!

Ҳусан КАРВОНЛИ

ШАЙТАНАТНИ ЕНГИШГА ҚОДИР НУР

Ёшлар маънавияти давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги даврда мумтоз адабиётни чуқур ўрганиш ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга. Ўқувчиларимни мумтоз адабиёт вакиллари ижоди билан таништирарканман, бу дурдона асарларни замонавий адабиётга, ҳаётга боғлаб ўргатишга ҳаракат қиламан. Бу дарснинг самарадорлиги, таъсирчанлигини оширади.

10-синф адабиёт дастурида мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбатлашиш учун соатлар ажратилган. Мана шу дарсларда ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш ҳамда янги бир асар ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш мумкин.

Қуйида ана шундай дарслардан бирини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Мавзу: Инсоний фазилатлар иймон булоғи меваларидир.

Мустақил ўқилган асарлар ёки кўрилган видеолавҳалар юзасидан суҳбат.

(Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асари асосида)

Тарбия биз учун ё ҳаёт,
ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат,
ё саодат — ё фалокат масаласидир.
Абдулла Авлоний.

Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак.
Абдулла Қаҳҳор.

Bir soatlik dars

"Ватанни севмоқ иймондандир".

Азиз Ўқувчилар! Сиз аввалги дарсларингизда мумтоз адабиётнинг энг нодир намуналари билан таништингиз. Келинг ҳозир яна бир бор ўша дурдона асарларни ёдга олайлик.

Ўқувчилар Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо ижодидан намуналар ёдлайдилар.

Савол: — Мумтоз адабиёт вакиллари ижодидан қандай хулоса чиқардингиз?

Жавоб: — Мумтоз адабиёт вакиллари ҳамиша ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни улуғлаганлар. Бу фоний дунёда яхши ном қолдириш, охиратни ўйлашга чақирганлар. Инсонлар қалбида эзгулик дунёсини яратишга ҳаракат қилганлар.

Ўқитувчи: — Ҳозир сиз тилга олган ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар иймонли, эътиқодли инсонларга хос. Охиратини ўйламаган, иймонсиз одамлар эса шайтоннинг ўлжаси ҳисобланади. Бундай одамлар қалбида инсоний ҳис-туйғуларни уйғотиб бўлмайди.

Бугунги дарсимизда сизлар билан Тоҳир Маликнинг "Шайтанат" асари ҳақида суҳбатлашамиз.

Сизга маълумки, бу роман тўрт қисмдан иборат бўлиб, якуний қисми 2001 йилнинг декабрида босмадан чиқди.

Ҳозир икки гуруҳга бўлинамиз. Гуруҳлар асар матнига таянган ҳолда ўзларига ном танлашлари мумкин.

1-гуруҳ. *"Самандар"*

Изоҳ: ўтда ҳам ёнмайдиган, сувда ҳам чўкмайдиган қуш. Ҳақиқат тимсоли.

2-гуруҳ. *"Учқур отлар".*

Изоҳ: Абдураҳмон табибнинг отлари. Келажакка ишонч.

Гуруҳларга бўлишимиз бежиз эмас. Дарсимиз мусобақа тарзида ўтади. Бунинг учун дарсимизни бир неча саҳифаларга бўламиз.

I. "Шайтанат" асари ҳақида фикр-мулоҳазалар.

1. Асар нима сабабдан "Шайтанат" деб номланган?

2. Инсонларни бу оламга бошлаб киришда шайтоннинг ягона қуроли нима деб ўйлайсиз?

3. Мумтоз адабиёт вакиллари нафсни нимага ўхшатишган?

4. Ёзувчи Асадбекни молмулки беҳисоб, аммо руҳи оч эди деб тасвирлайди. Қандай инсонларнинг руҳи оч бўлади деб ўйлайсиз?

II. Ёзувчи билан мулоқот

Асар муаллифи Тоҳир Малик ўқувчиларга саволлар беради.

(Ёзувчининг саволлари видео ёки магнит тасмасига ёзиб олинади).

Ўқувчиларнинг жавоблари тингланади.

III. Жумбоқли ривоятлар.

Иккала гуруҳ аъзолари асардан ўқиган ривоятлари асосида бир-бирларига савол берадилар.

1-гуруҳ. Фаридиддин Аттор-нинг ривоятини сўзлайдилар ва ривоятнинг маъносини изоҳлашни сўрайдилар.

2-гуруҳ. Изоҳлаб беради.

"Луқмони ҳаким ва илон" ривоятини сўзлаб берадилар. Инсон бир-бирини қандай чақиши мумкин? (Кўргазмали қурол кўрсатилади).

1-гуруҳнинг жавоблари тингланади.

IV. Телемусобақа.

"Шайтанат" видеофильмидан бир лавҳа кўрсатилади.

Режиссёр, тасвирчи ким?

Ролларни қайси актёрлар ижро этишган?

Видеофильм сизда қандай таассурот қолдирди?

Асарни ўқиганда таъсирчанлиги кучли бўладими ёки лавҳа кўргандами?

V. Кўргазмали қуроллар изоҳлаш.

1. Илон балиқни ярмигача зўрға ютган. Аммо оғзи кичиклигидан қолганини юта олмаяпти. Балиқ ночор. Илон ундан-да ночор. Ютиб ҳам юбора олмайди, чиқариб ҳам ташлай олмайди.

(2-гуруҳ изоҳлайди).

2. Қабристон. Айрим қабрлардан олов кўринади. Оқ туялар – авлиёлар руҳи мозорни ташлаб кетишмоқда. Солиҳ фарзанд амали нима?

(1-гуруҳ изоҳлайди).

VI. Асардан олинган айрим жумлалар устидан ишлаш.

(Ёзувчининг фикрлари қоғозларга ёзилиб, конвертларга жойланади. Конвертни олган гуруҳ бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар).

1. Бойлик сокиндай кўринган денгиз узра қурилган қаср. (кўргазмали қурол).

2. Одамлар қалбидаги бойликка муҳаббат ҳиссини ўлдирмай туриб адолат боғини барпо этиб бўлмайди.

3. Инсон ўзгаларга меҳр-мурувват кўрсатиш учун яралган. Йўқса дунёда жониворлар етарли.

4. Ўзбекнинг кўзига жони эмас, боласи кўринади.

Ўқувчиларнинг жавоблари тингланади.

Бу фикрларни қайси шоирнинг шеърига ўхшатдингиз?

1. Асадбеклар тор бир хум ичида улғайишганди. Уларнинг дунёқарашлари ҳам, туйғулари ҳам шу хум қадар эди.

Жавоб: — А.Ориповнинг "Тилла балиқча" шеъри. (шеър ёд айтилади)

2. Имони ожиз кимсаларнинг оч нафси фақат лаҳад тупроғи билан қаноат топади.

Жавоб:— Х.Ҳувайдо ғазаллари-да шундай фикрлар бор. (Ғазаллар ёд айтилади)

Ўқитувчи: — "Асадбеклар вояга етган жамиятда ёшларнинг маънавий тарбиясига етарлича эътибор берилмади. Уларни ҳалол инсон қилиб тарбиялашга қодир бўлган зиёли ота-боболаримиз "халқ душмани" сифатида бегона ўлкаларга сургун қилингандилар. Қолганлар эса қорин тўйдириш ғамида ўзлари билан ўзлари овора эдилар. Ҳеч ким эртага уруш ҳам тугар, қорнимиз ҳам тўяр, лекин болаларимизнинг тақдирлари нима бўлади, деб ўйламасди. Оқибатда бу жамият етиштирган болаларнинг кўпчилиги баргсиз, мевасиз дарахтга айланган эди", - деб ёзади ёзувчи.

Мана иккита баргсиз, мевасиз дарахт. Ҳозир сизларга саволлар билан мурожаат қиламан. Ҳар битта тўғри жавоб учун дарахтга 1 та яхши фазилат ёзилган барг иламиз.

1. Агар ёдингизда бўлса Абдураҳмон табиб Асадбекка тикилиб туриб, кўзларингизнинг туб-туби зулм кўрганлигингизни айтиб турибди, сирти эса ўзгаларга зулм кўрсатганлигингизни айтаяпти, дейди. Асадбек ўзгаларга қандай зулм кўрсатди?

2. Асадбеклар фожеасининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

3. Нима учун Асадбек қилган гуноҳлар фарзандларига урди?

4. Зайнаб, Элчин фожеаларининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Сиз уларни оқлайсизми ёки қоралайсизми?

5. Анвар ёзиб қолдирган хатларнинг бирида шундай сўзлар бор.

"Ҳурлик ниманинг эвазига берилади? Қонлар эвазигами? Жонлар эвазигами? Жон беришга тайёр азаматлар борми бу улуғ Туркистонда? Ҳумоюн Мирзо хасталигида табиб Бобур Мирзога "Энг қадрли нарсангизни атанг", деганда шоҳ Бобур "Энг қадрли нарсам – жоним, жонимни берайин", деган экан. Хаста она Туркистонга ким жонини фидо қилади? Ўлимдан қўрқмас, ботир ўғлонлар наҳот бутунлай қирилиб битган? Бу қандай ҳаёт ўзи? Кун бор — қуёш йўқ. Осмон бор – юлдузлар йўқ. Ватан бор – ватанпарвар йўқ..."

Сиз бу жумлаларни қандай изоҳлайсиз?

6. Ёзувчи бу қоронғу шайтанат оламини чок-чокидан сўкиб юборадиган, уни енгишга қодир бўлган бир нурни кўрсатиб берган. Бу қандай нур деб ўйлайсизлар?

Жавоб: - Иймон.

Ватанни севмоқ иймондандир.

Халқ учун жонини ҳам фидо қилмоқ иймондандир.

Адолатли бўлмоқ иймондандир.

1. "Шайтанат" асарини ўқиб, ундан чиқарган хулосаларингиз?

2. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ёшлар маънавиятига кўпроқ эътибор берилаётганлигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

3. Мумтоз адабиёт вакиллари ижоди билан замонавий адабиётнинг ўхшашлиги нимада деб ўйлайсиз?

Ўқувчиларнинг жавоблари тингланади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, "ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир".

Ёшлар маънавияти, давлат сиёсати даражасига кўтарилган юртда иймонли, эътиқодли фарзандлар вояга етишиши шубҳасиздир.

Бугунги дарсимиз ҳам бунга мисол бўла олади. Сиз олган билимларингиз, юритган фикр-мулоҳазаларингиз билан "Шайтанат" асарида тилга олинган ўша адолатсиз тузумнинг баргсиз, мевасиз дарахтларига қайтадан ҳаёт бахш этдингиз. Ва фақат иймон булоғигина кўнглимизда инсоний фазилатларни уйғотишга қодир эканлигини исботлаб бердингиз.

Ўйлайманки, бу дарсимизда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам бўлмади. Ҳаммангиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирдинг. Миннатдорчилик тариқасида сизларга ушбу китобларни совға қилмоқчиман.

Инсон ўткинчи бу дунёда қилган яхши-ёмон ишларининг мевасини ҳам тотиб кўради. Оллоҳнинг ҳақ йўлидан адашган бандаларига берган жазоси, "Шайтанат" аҳлининг пушаймонлари бизга ҳамиша ўрнак бўлгусидир.

Дарсимиз якунида Фаридиддин Атторнинг ибратли ривоятларига яна бир бор тўхталиб ўтсак.

Инсон бу беш кунлик ўткинчи умрини кайфу сафо билан ҳам ўтказиши мумкин. Нафсига эрк бериб, пул, бойлик, мансаб, шон-шуҳрат учун ёмонлик йўлига ҳам кириши мумкин.

Аммо охиратини обод қилолмаса, бу дунёда савоб иш қилмаса, ўзидан яхши ном қолдирмаса, яшаган умри бекордир.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, ўтмишда яшаб ўтган инсонлар ҳаёти бизга сабоқ бўлсин.

(Дарс Навоийнинг "Саддди Искандарий" достонидан видеолавҳа билан якунланади).

Ҳилола АЛИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 260-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Ана кўрдингми, сабзини катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма, деганлари бежиз эмас.

Касбга йўналтириш ишлари бўйича мактаб ота-оналар йиғилишларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ходимлари билан биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ўқувчи ота-онаси ёрдамида касблар ҳақида ахборот олади ва уни танлаш имкониятига эга бўлади.

Ma'rifat

Ҳар қадамда янгилик юз бераётган ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасаларидаги фикрлашга ундовчи, эркинликка асосланган ноанъанавий машғулотларнинг ўрни беқиёс. Чунки кичкина болажоннинг бошқалар ёрдамисиз қаршисида юзага келган масалага, муаммога нисбатан фикр билдириши, ҳукм чиқара олишининг ўзи катта гап. Келажакда масъулиятли вазифалар кутаётган умидли кичкинтойларнинг бу каби мустақилликка эришишлари замирида мактабгача таълим муассасаларида хизмат қилаётган изланувчан ходимларнинг ижодкорлиги ётади. Шубҳасиз, бугунги тинимсиз меҳнат вақти келиб завқли роҳатга айланади. Шу ният илинжида ишлаётган пойтахтимиздаги 444-"Ширинтой" боғчасида ўтказилган тайёрлов гуруҳларидаги нутқ ва тафаккурни ривожлантирувчи ноанъанавий машғулотларни кузатдик. Услубчи Зарофат Комилова ва тарбиячи Гулчеҳра Набиеванинг бундай машғулотларини намуна қилиб кўрсатса арзийди.

Noan'anaviy mashg'ulot

АҚЛ ЁШДА ЭМАС, БОШДА...

БИЗ ЎРМОННИ БИЛАМИЗ

Давра болаларнинг ўзлари ясаган дарахт, арча, қўзиқорин, қўён, айиқ, шер, бўри, тулки каби ўйинчоқлар билан безатилган. Ўрмон тасаввурини берувчи мусиқа эшитилиб турибди. Ярим доира шаклида тизилган қатнашчилар ўтирганлар билан саломлашишади.

Тарбиячи: — Бугун сизлар билан биргаликда ҳақиқий ўрмонни тасвирлаймиз. Мана, тингланг. Бепоён ўрмон сизларга ўзини таништираяпти:

Мен ўрмонман, ўрмонман,
Қалин сахий ўрмонман.
Менинг яшил, кенг бағрим,
Саргузаштга лиммо-лим.

Менда кўпдир ҳайвонлар,
Қушчаю ўт-ўланлар.
Унга тўқинг топишмоқ
Ҳамда қизиқ, зўр эртак.

Шу пайт Ўрмончи бобо ташриф буюради.

Бобо: — Ассалому алайкум, азиз кичкинтойлар! Ўрмонимга хуш келибсизлар. Бу ерда каминани ўт-ўландан тортиб, курт-қумурсқагача танийди. Сабаби, уларни бирдек ардоқлаб, авайлайман. Ҳа, майли, кўп гапирмай. Сизларга мана бу халтачамда совға-саломлар тайёрлаб қўйганман. Қани, уларга қайси зукко, чаққон эгалик қила оларкин?

Тарбиячи: Болалар халтачадаги ширинликларни олиш учун дарахтларга осиб қўйилган топишмоқларнинг жавобини топишимиз керак. Мен ҳозир қайин баргига ёзилган топишмоқни ўқийман:

Ўрмон ёки айвонча,
Ёнида бир ҳовлича,
Ўзи хунук миттича,
Усти чўтир қалпоқча.
Биринчи бўлиб кўлини кўтарган Зуҳра:

— Бу қўзиқорин, — деб жавоб берди ва бободан совға олди.

Ҳамма фасл ўйнайди,
Қиш келганда ухлайди. **(Айиқ)**

Узун қулоқ, ўзи оппоқ. **(Қуён)** каби топишмоқларнинг жавобини Абдусамад, Дурдоналар ҳам топишди-да, ширинликлар билан сийланишди.

Шу пайт уларга ҳавас қилиб даврага Қизил шапкача кириб келади:

— Салом, дўстларим! Мен Қизил шапкача бўламан. Агар хоҳласангизлар бу улкан ўрмон сирларини очишда сизларга ёрдам бераман.

Бу ерда фақат дарахтлар, гуллар, турли ўт-ўсимликлар эмас, балки ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ва энг асосийси, одамлар учун зарур бўлган кислород — тоза ҳаво ҳам бор. Айтинглар-чи, ўрмонда ким хўжайин? Одамларми ёки ҳайвонлар?

Болалар: — Ҳайвонлар.

Қизил шапкача: — Ким билади какку қандай сайрайди?

Болалар: — Кук-ку, кук-ку...

Қизил шапкача: — Бу қуш онатабиатимизга қандай фойда келтиради?

Умид: — У қурт-қумурсқа, зарарли ҳашаротларни ейди.

Қизил шапкача: — Бир қушнинг номи мана бу топишмоқда яширинган. Келинг, биргалашиб топамиз.

Болғачам бўлмаса ҳам
Дарахтларни қоқаман.
Кавагу шохларин ҳам,
Тозалашни хоҳлайман.

Болалар: — Сассиқпопишак.

Қизил шапкача: — Тўғри топдингиз. Бу паррандани яна нима деб аташ мумкин?

Фотима: — Уни ўрмон тозаловчиси десак бўлади.

Қизил шапкача: — Энди менга айтинг-чи, барча чумолиларни қириб ташласақ, нима бўларкин-а?

Баҳодир: — Унинг оқибати ёмон. Чўнки чумолиларсиз ўрмондаги дарахтлар нобуд бўлади.

Қизил шапкача: — Жудаям тўғри, бир ўйлаб кўринг-чи, дарахтларнинг бизга қандай фойдаси бор?

Дурдона: — Ер юзидаги барча яшил ўсимлик ва дарахтлар ҳавони тозалайди.

Қизил шапкача: — Сизлар билағон эканисизлар. Бундан жуда хурсандман. Келинг, ҳозир сизларга ажойиб бир эртакни ушбу ўйинчоқлар иштирокида айтиб бераман:

Мана шу каттакон ўрмонда Оқ, Момиқ ва Пурпак қуёнчалар яшашаркан. Улар бир-бирлари билан жуда ҳам иноқ эканлар. Бир куни Оқ қуён Момиқ ҳамда Пурпак қуёнга дебди: — Кеча бўри билан айиқни кўриб қолдим. Шунда биласизларми, мен бўрининг тумшуғига бир шапалоқ туширдим. Улар-чи, қўрқиб қочиб кетишди. Кўрдингизми, мен ҳаммангиздан ботирман. Шунда иккала қуёнча, ана бўри билан тулки келяпти, дея ўрмон четига беркиниб олибди. Оқ қуён эса типирчилаб ҳар ёнга қоча бошлабди. Ҳазил йўли билан кўркоқ "ботир"ни қўлга туширган қуёнчалар:

— Ана кўрдингми, сабзини катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма, деганлари бежиз эмас. Бундан буён ёлғон сўзлаш одатингни ташлагин, — дея ярашиб олишибди. Ва югурганча ўрмон ичига кириб кетишибди.

— Айтинг-чи, мақтанчоқ қуёнча яхши иш қилибдими?

Болалар: — Йўқ, у бундай қилмаслиги керак эди.

Бу мунозарани кузатиб турган ўрмончи бобо даврага қўшилди.

— Кичкинтойларим, сизлар менга жудаям ёқиб қолдинглар, ўрмоним ҳақида батафсил гапириб бердинглар. Бунинг учун катта раҳмат. Ҳозир эса сизлардан шуни илтимос қилмоқчиманки, мана бу қоғоз-қаламлар ёрдамида ҳар бирингиз ўрмон манзарасини тасвирлаб берсангиз.

Болалар мусиқа тинглаб, расм солишади. Улар чизган ҳар бир расмни кузатган **Қизил шапкача:** — Баракалла, сизлар расм солишга ҳам уста экансизлар. Бундан жуда ҳам мамнунман. Энди эса мен ўрмонга — бувижонимникига борай. Мана, бу чизган расмларингизни эса йўлда учраган ҳайвончаларга кўрсатаман. Улар кўриб бир қувонишсин, дея даврадан чиқмоқчи бўлади.

Ўрмончи бобо — Шошманг, Қизил шапкача, менинг ўрмонимдан ҳеч ким қуруқ кетмаган. Ҳозир сизга ва мана бу барча "яшил давра"мизнинг кичик меҳмонларига совға бераман, дея айиқча, қуёнча тасвири туширилган печеньелардан улашиб чиқди.

Тарбиячи: — Халқимизда "Ақл ёшда эмас, бошда" деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам биз кичкинтой болажонларимизга ҳозир қанчалик таълим-тарбия берсак, улар шунчалик ақлли, хушхулқли бўлиб ўсади. Агарда биз ўрмонни тасвирлашга ҳали боғча боласи ёшлик қилади, деб қўл қовуштириб ўтирганимизда, ўзингиз гувоҳи бўлган машғулот яратилмаган бўлар эди.

Ҳурматли ота-оналар, боғча опалар ва барча даврамиз қатнашчилари! Ўйлаймизки, ўрмон ҳақида тарбияланувчиларимизда тушунчалар ҳосил қилиш, уларнинг сўз бойлигини ошириш мақсадида ўтказган машғулотимиздан кўзлаган мақсадимизга эришдик. Шу ўринда (даврага таклиф қилган ҳолда) Ўрмончи бобо ҳамда Қизил шапкачага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Қани, жажжи ўрмонсеварлар, машғулотимиз қаҳрамонларига биргаликда раҳмат айтамиз ва ўрмон билан хайрлашамиз.

Биргаликда: — Раҳмат, хайр, саломат бўлинг!

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ҲАМКОРЛИК ЗАРУР

Ta'kid

Ўқувчини муайян бир касбга йўналтириш, танлаган касби асосида малакали мутахассис қилиб тайёрлаш ва иш билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Бу борада мактаб ўқувчиларини ён-атрофдаги касб-ҳунар коллежларининг фаолияти, йўналишлари ва бу ердаги талабалар ҳаёти билан таништириш, ҳар хил мавзуларда учрашувлар ўтказиш, шунингдек, ана шундай илм масканларига саёҳатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир. Бу ишларга маҳалла фуқаролар йиғини, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат биржаларини ҳам бириктириш янада кўпроқ аҳамиятга эга.

Айни вақтда касб-ҳунар коллежлари томонидан тарғибот ишлари олиб бориш жараёнида оила, жамоа ва педагогик ва психологик ташхис марказларининг узвий алоқадорлиги қўл келмоқда. Касбга йўналтириш ишлари бўйича мактаб ота-оналар йиғилишларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ходимлари билан биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, ўқувчи ота-онаси ёрдамида касблар ҳақида ахборот олади ва уни танлаш имкониятига эга бўлади. Ушбу ишлар амалда жорий этилсагина, ўқувчини мактабдан касб-ҳунар коллежига ёки академик лицейга йўналтириш амалга оқилона танлаш имконияти яратилади.

Касб-ҳунар коллежи раҳбарияти мактаб раҳбарлари билан ўқув йилининг бошланишиданоқ касб-ҳунарга йўналтиришдаги тарғибот ишларини бошлашлари керак. Бунда ўқув юрти ходимлари коллежнинг йўналишлари бўйича фаолиятини ёритиш учун махсус плакатлар, эълонлар ҳамда видео, аудио тасмалардан фойдаланишлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежига қабул қилинган ўқувчини ўз хоҳиши билан танлаган касбига ўргатиш, изланувчанлик ва ижодкорлигини орттириш муҳандис-педагоглар зиммасида бўлиб, улар ўзларининг касб-ҳунар маҳоратларини ўқувчига тўла намоён эта олишлари керак.

Самарқанд гидромелиорация техникуми 2001 йилда компьютер технологиялари коллежига айлантирилгач, бу ерда "Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш", "Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш", "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш", "Давлат кадастри бўйича ҳуқуқий ва маъмурий фаолият", "Бухгалтерия ҳисоби", "Ёнилғи-мойлаш материаллари", "Сув хўжалиги ва мелиорация", "Гидромелиорация ишларини механизациялаш" ва "Гидротехника иншоотлари қурилиши" мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

1000 нафардан ортиқ талаба-ёшларни ўз бағрига олган коллеж жамоаси ўқув жараёнини сифатли ташкил этишга эътибор қаратмоқдалар. Бу борада, коллеж директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Олимжон Тўхлибоевнинг меҳнатлари каттадир. Коллежимизда ўқув жараёнини ДТСга мос янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилишга эътибор кучайтирилмоқда ҳамда кабинет ва лабораторияларни замон талабига мос ҳолда жиҳозлаш учун катта ишлар олиб борилмоқда.

Тайёрланаётган кадрларнинг сифатини янада оширишда ўқитувчиларимиздан Х.Пирмаматов, Ф.Ҳамроев, М.Абдураҳмонова ва Н.Темировларнинг ишлари барчага манзур бўлмоқда.

Ражаб ЎРОҚОВ,
Самарқанд компьютер технологиялари коллежининг касбий таълим бўйича директор ўринбосари

ТАЛАБА ЯСАГАН ҚУРИЛМА

Яқинда "Маърифат" газетасида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 2-босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусидаги ЎМКҲТ тизими ўқувчиларининг 1-республика конференцияси якунлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинган эди. Унда иштирок этган Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари вакиллари ҳам яхши натижаларга эришдилар.

Мазкур тадбирда Галаосиё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Умур Зоиров физика фанининг илмий иш йўналиши бўйича 3-уринни эгаллади. "Гелиотехника—истиқболли соҳа" мавзуидаги ижодий иши Умурга ана шундай муваффақият келтирди. Коллеж талабаси яратган қуёш энергиясидан фойдаланиб меваларни қуритишга мўлжалланган қурилмаси тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Серқуёш, мева-чеваларга бой юртимиз шароитини назарга оладиган бўлсак, мазкур қурилма ҳажми кенгайтирилиб, амалиётга татбиқ қилинган тақдирда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда қўл келишини англаш қийин эмас. Унинг бу ютуққа эришишида, албатта, фан ўқитувчиси — техника фанлари номзоди Зуҳур Тоировнинг ҳам муносиб хизматлари бор.

Суратда: коллеж ўқитувчиси Зуҳур Тоиров шогирди Умур Зоиров билан мазкур қурилмани кўздан кечиришмоқда.

Tadbir

АЁЛ ҚАЛАМ ТЕБРАТАР...

Қайсидир аёл шеър ёзади, қайсидир биттаси насрда қалам тебратади. Қалам кичик, аёл эса улкан ва улар бир-бирисиз яшолмас ҳам. Хиром айлаганда ўзини қушдек енгил сезадиган опа-сингиллар ҳам бор. Қўшиқ айтиб, юракка таскин бағишлаш ниятида юрган хонандалардан бир қанчаси ҳам Аёл зотига мансуб.

Ҳа, аёл бир қўли билан бешикни тебратади, бир қўли билан эса оламни. Ана шу фикрнинг исботи пойтахтимизда жойлашган "Феруза" қаҳвахонасига йиғилган ижодкор аёллар тадбирида ҳам кузатилди.

Миллий матбуот маркази қошида яқиндан бери ўз фаолиятини бошлаган журналист аёллар клуби аъзолари йил тақвимидаги турли байрамлар муносабати билан йиғилишиб, бир-бирларини қутлашга одатландилар. Улар газета, журнал, нашриёт, радио, телевидениеда фаолият юритаётган замонамизнинг энг илғор қаламкашларидир. Бу галги тадбир Наврўз байрами муносабати билан эди.

Клуб раиси Мўътабар Каримованинг қисқа кутлови куй-қўшиққа, рақсга уланиб кетди.

Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги элчиси Ойдин Азимбеков ҳамда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси рафиқаси Мадамуна хонимларнинг дил тилакларида ҳам мустақил юрт ижодкор аёлларига қуллуқ қилиш сезилиб турарди.

Халқимиз юрагидан жой олган таниқли хонандалар тадбирга файз ва завқ киритишди. Бундай дийдорлашувларнинг тез-тез бўлгани яхши.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари ўртасида республика кўрик-танлови ўтказилади

Касб-ҳунар таълимини кенг тарғибот қилиш, ўқувчиларнинг касб-ҳунар ўрганишга бўлган қизиқишларини, билим савиясини, танлаган касблари бўйича меҳнат бозорига тайёргарлик салоҳиятини янада ошириш, иқтидорли-истеъдодли ўқувчиларга кенг имкониятлар яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, "Ўзенгилсаноат" Давлат уюшмаси, Республика Бадиий академияси, "Усто" бирлашмаси ва "Ҳунарманд" уюшмалари ҳамкорликда "Энг иқтидорли мутахассис" кўрик-танловини ўтказишини эълон қилади.

Кўрик-танлов қуйидаги соҳалар бўйича ўтказилади:

1. Саноат
2. Транспорт
3. Алоқа
4. Маданият ва санъат

Кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади:

Биринчи босқич — таълим муассасаларининг ўзида 2002 йил апрель ойида, иккинчи босқич — ҳудуд (вилоят, шаҳар) миқёсида 2002 йил май, июнь ойларида, учинчи босқич — республика миқёсида 2002 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Республика миқёсида ҳар бир соҳа бўйича 1 та биринчи, 2 та иккинчи ва 3 та учинчи ўринларни эгаллаган ғолиб ўқувчилар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ҳомий ташкилотларнинг махсус қимматбаҳо совғалари (1-ўринга компьютер ёки тикув машинаси, 2-ўринга рангли телевизор, 3-ўринга икки кассетали магнитофон) билан тақдирланадилар.

Танлаган касбини эъзозлайдиган, билимли, зукко, иқтидорли ва моҳир ўқувчиларни ушбу кўрик-танловда фаол иштирок этишга таклиф этамиз!

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази, Касб-ҳунар коллежлари бошқармаси
Тел: 139-10-22, 139-13-29, 139-13-64.

ЭЪЛОН

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорини бажариш бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан кам таъминланган оилаларнинг V-IX синф ўқувчиларини иссиқ кийим билан таъминлаш мақсадида 2002 йил 12 март куни ўтказилган тендер ғолиблари рўйхати

1. "Аброршох"ХФ
2. "Абдуллаев"ХТ
3. "АЮП"ХКК
4. "Бобожонов"ХТ
5. "Бобур-83"ХТ
6. "Дадил"ХТ
7. "Гулбаҳор-2001"ХФ АЖ
8. "Жаҳон-Савдо-Сервис" МЧЖ
9. "Жалилов" ХТ
10. "Косонсой-текстиль"ХТ
11. "Игамбердиев"ХТ
12. "Мадияров"ХТ
13. "Маматохунова"ХТ
14. "Исмоилова"ХТ
15. "Садиров" ХТ
16. "Сафо"ТСК
17. "Технологик лицей"
18. "Тожимамат ота"КТИЧСК
19. "Тонг" АЖ
20. "Турғунов"ХТ
21. "Матонатли-Нодирбек"ХФ
22. "Умид" Ҳожиобод спорт моллари фабрикаси қошидаги корхона
23. "Учқун"ИЧСК
24. "Юлдуз"АЖ
25. "Юный умелец"шўъба корхонаси
26. "Андижон болалар дунёси"ИЧК
27. "ШБС"ХК
28. "Агат"ИЧСК
29. "XXI—Аср" Янгиқўрғон ХК
30. "Андижон-Саноат-Бутлаш"
31. "Баркамол"ХК
32. "Баҳромов"ХК
33. "Камолот"Аж
34. "Косонсой пойафзал"АЖ
35. "Ногиронлар жамияти"Дирекцияси
36. "Камрон"ИЧФ
37. "Мамадалиев"ХТ
38. "Манзур-Латиф"КТИЧСФ
39. "Кўркам"ХК
40. Ортопедия ва протез корхонаси
41. Андижон пойафзал фабрикаси қошидаги "МК Стиль"ХК
42. "Экспотекс"МЧЖ
43. "Сўғдиёна"ХК
44. "Ўзбекистон КБД" ХТ
45. "Шоира-Бону-78"ХТ
46. "Электросервис"МЧЖ
47. "Темур-Малик" ХТ
48. "Ҳожимирзаев"ХТ
49. "Розиқов" ХТ
50. "Хўжанд"ХК
51. "Юлдуз ЛТД"МЧЖ
52. "Саманд-2"ИЧСК
53. "Улуғ-Шух"ХФ
54. "Зилола-текс" АЖ
55. "Наврўз-ПТК"МЧЖ

Боиси, ҳозир учрашувга кириш чипталари сотувга чиқарилган бўлиб, энг арзон чипта баҳоси 400 АҚШ долларига тенг. Қолган турдаги чипталар эса 750, 1200 ва 2000 доллар миқдорида белгиланган.

Агар ўртадаги ўйинчилардан бири отилган тўпни ерга туширимасдан илиб олса, унда ўйиндан чиқарилиб юборилган шерикларидан бири ўйинда иштирок этишга қайтади.

ЯҚИН ШАРҚДА КЕСКИН МУРОСАСИЗЛИК

Ниқоб кийган 2 жангари Тулкарм шаҳридаги қамоқхонада сақланаётган 8 нафар фаластинликни исроилликлар билан ҳамкорлик қилишда айблаб отиб ташладилар. Жангариларнинг қай тарзда ҳибсхонага кирганликлари ҳозирча номаълум.

Исроил қўшинлари эса кенг кўламли операцияларни бошлашган бўлиб, бугун уларнинг танклари Калькилья, Вифлеем, Наблус ва Тулкарм шаҳарларига кириб бўлган. Шунингдек, улар Рамаллоҳ шаҳрини ҳам ҳарбий ҳудуд дея эълон қилганлар. Мақсад — Ёсир Арофатни атрофдагилардан тўла ажратиб қўйиш. Маълумотларга кўра, бу галги операциялар учун Исроил ҳукумати заҳирадаги 20000 ҳарбийни ҳам жалб этган. Бундан ташқари, Ёсир Арофатнинг "террористик инфраструктура"сига қарши уруш эълон қилганидан сўнг, "ХАМАС" гуруҳи ҳам Шаронни йўқотишга киришганлигини маълум қилган.

МАМЛАКАТ ҚИРОЛИЧА БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

Британия фахрига айланган қиролича Елизавета II нинг вафот этиши аҳолининг руҳиятига қаттиқ таъсир этди. Куни кеча у билан биринчи хайрлашув маросими ўтказилиб армия базаларида ва Гибралтарда ўнлаб салютлар отилди.

Мамлакат байроқлари ҳам 9 апрель ярим тунга қадар туширириб қўйилади. Марҳуманинг тобути Вестминстер саройига келтирилгач, жамоатчилик жума кунидан келгуси сешанбагача у билан хайрлашув маросимини ўтказадилар. Айнан 9 апрель куни Вестминстер католиклар монастирида қиролича дафн этилиб, шу пайт завод-фабрикаларда, ташкилотларда, мактабларда, барча-барча жойларда сукут сақланади ва гимн тингланади. 1900 йил таваллуд топган Елизавета II бу йил 102 ёшни қаршилаган эди.

ГУАНТАНАМОДАГИ АСИРЛАР ОРАСИДА РУСЛАР БОР

Россия бош прокуратураси Афғонистонда Толибон тарафида туриб урушган ўзининг уч нафар фуқароси устидан жиноий иш қўзғади. Бош прокурор ўринбосари Сергей Фридинский Гуантанамодаги ҳарбий базада сақланаётган асирлар орасида бўлган уч нафар россияликка чегарани ноқонуний бузиш ҳамда ёлланганлик бўйича айб қўйилишини айтди. Ҳозирда прокуратура ходимлари маҳбусларнинг шахсини аниқлаш мақсадида Гуантанамода иш олиб бормоқдалар.



Норасмий манбаларга кўра, 25 давлат фуқароларидан иборат асирлар орасида чеченлар ҳам бор.

ЕР ҚИМИРЛАШИДАН СЎНГ ҚУРИЛИШ ТЎХТАДИ

Якшанба куни Тайпэда юз берган кучли ер қимирлаши туфайли бир қанча киши қурбон бўлиб, 200 дан ортиқ фуқаро жароҳатланган эди. Шундан сўнг, мамлакат раҳбарияти дунёдаги энг баланд бинонинг қурилишини тўхтатиб қўйди. Боиси, 101 қаватли Тайпэ молия марказининг 53-қаватида турган минорали иккита краннинг ерга қулаши туфайли уч нафар ишчи ҳамда пастда турган 7 нафар киши ҳам ҳалок бўлди. 2004 йилда қурилиши ниҳоясига етадиган мазкур 508 метрли бино Куала-Лумпурдаги 452 метрли эгизак биноларни ҳам ортда қолдириши керак. Метеорологларнинг айтишича, якшанба кунги ер қимирлаши 6,5 баллга етган бўлиб, сўнгра, 280 марта ер ости силкиниши кузатилган. Шу сабабли кўплаб бинолар қулаб тушган. Шунингдек, қурбонлар сони ҳам ошиши мумкин.



БЕГУНОҲЛАР УЧУН КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?

Кеча халқаро "Гаага" трибунали Руанда давлати бўйича суд жараёнини бошлади. Трибуналнинг қора курсисидан биринчи бўлиб 61 ёшли полковник Теонест Багосора жой олди.

Боиси, у 1994 йил мамлакатдаги геноцид фожеасини уюштиришда рол ўйнаган асосий шахслардан саналади. 1994 йил апрель-май ойларида 800 минг киши ўлдирилган бўлса, 6 апрель куни авиаҳалокатга учраган президент Хабиариманнинг ўлими эса ҳамон сирлигича қолмоқда. Бугун трибунал Багосорани 12 хил жиноятда айбламоқда.

РОССИЯ ГИЁҲВАНДЛИК БАЛОСИДАН ҚУТУЛГАНИ ЙЎҚ

Афғонистонда олиб борилаётган антитеррор операциялар Россияни гиёҳванд савдоси муаммосидан халос эта олмади. 2001 йил якунига кўра, заҳри қотилни ноқонуний олиб ўтиш кўпаймаган бўлса-да, лекин, у ўз даражасини сақлаб қолган. Гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси бошлиғи, полковник Андрей Трошиннинг айтишича, гарчи 1 грамм героин баҳоси 70 долларга тушиб қолгани билан, Афғонистондаги опиум ва героин заҳиралари ҳали ҳам катта. Шу боис, биринчи галда, Қозоғистон билан чегара ҳудудларни мустаҳкамлаш керак. Ички ишлар ходимлари ўтган йилнинг ўзида 1 тонна героин моддасини мусодара қилишган. Шунингдек, бугун Россия наркодиспансерларида 166 минг киши шифокорлар назоратида турибди.

"ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида тайёрланди.

"Quvnoq startlar"

ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВ

Навбатдаги XIX республика "Қувноқ стартлар" телевизион мусобақаси чорак финал учрашувида Навоий вилояти Навоий туманидаги 11-мактабнинг "Адолат" ва Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 1-мактабнинг "Мард" жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Мусобақанинг дастлабки дастуридан ("Қирқ тош" эстафетаси) охирги учрашувигача ("Айланадиган нишон") қизиқарли ва ҳаяжонли баҳсларнинг гувоҳи бўлдик. "Қирқ тош" халқ ўйинида ҳар иккала жамоа аъзолари беллашувга яхши тайёргарлик кўришгани яққол кўзга ташланди. Бу баҳсда "Мард" жамоаси анча чаққон эканлигини кўрсатиб, 3 очко соҳиби бўлди. Иккинчи мусобақада ("Саватдан саватга") эса "Адолат" жамоаси ғалаба қозониб, очколар тенглашди (4:4). Учинчи баҳс ("Ким чаққон") 0:1 ҳисобида "Адолат" фойдасига ҳал бўлди. Беш нафар қиз ва беш нафар ўсмир иштирокидаги "Ўрин алмашиш" эстафетасида оҳангаронлик ўқувчилар ғолиб бўлишиб, яна 3 очкони қўлга киритишди (7:6).

Навбатдаги — бешинчи учрашувда ("Айланма тўп") эса "Адолат" жамоаси яна олдинга (9:8) чиқиб олди. "Топқир қиз" конкурсида дуранг (1:1) натижа қайд этилди. Саккизинчи учрашувга келиб ҳисоб яна тенглашди (13:13). "Зув-зув" конкурсида "Мард" жамоаси вакили чаққон ва бехато ҳаракат қилиб, 1 қиммат-ли очкони қўлга киритди.

Охирги эстафетада ("Айланадиган нишон") омад оҳангаронлик ўқувчиларга кулиб боқди ва улар 16:14 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финалда иштирок этадиган бўлишди.

Ф.МАННОПОВ

Мактаб ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" мусобақасининг вилоят, шаҳар босқичлари ниҳоясига етди. Жумладан, пойтахтимиздаги Юнусобод тумани терма жамоаси (Суратда: бир гуруҳи) мазкур босқичда фаол иштирок этиб, спортнинг волейбол (ўсмирлар), енгил атлетика, теннис, стол тенниси, белбоғли кураш турлари бўйича шаҳар ғолиблигини қўлга киритдилар. Шунингдек, умумий миқёсда ҳам биринчилик юнусободликларга насиб этди.

— Мусобақаларга жиддий муносабатда ёндашиб, кучли тайёргарлик кўрганлигимиз ўз натижасини берди. Айниқса, туман босқичида энг эпчил, энг чаққон спортчи ўқувчиларни саралаб олганлигимиз бизга жуда қўл келди, — деди туман халқ таълими бўлимининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича услубчиси Фарҳод Қаландаров.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МЕРГАНЛИК ЎЙИНИ

Milliy o'yinlar

Мустақиллик шарофати ила ўз тарихимизни ўрганиш, уни одилона баҳолаш имкониятига эга бўлдик. Айниқса, жисмоний тарбия, спорт соҳасида қисқа муддат ичида миллий спорт ўйинларининг бир қисми ўрганилди. Агар масалага биргина "Кураш" мисолида ёндашсак, халқимиз бу тадбирни қувонч билан кутиб олди. Баркамол авлод тарбиясида ўзбек кураши ўта таъсирчан, оммавий чиниқиш, соғломлаштириш воситаси бўлиб бормоқда. Унинг шуҳрати чегара билмай дунёга тарқалмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқ даврида миллий спортимизни камситиш, уни тамоман йўқотишга қаратилган ҳаракатлар ўзининг салбий натижаларини кўрсатди. Бадантарбия ва спорт бундан минг йиллар илгари, "Алпомиш" достони яратилган вақтларда таълим-тарбияда етакчи ўринни эгаллаган эди. Оила бўлиб яшаш учун шароитга мослашиш ва меҳнат қилиш, мерганликни, чавандозликни, курашнинг хилма-хил услубларини қўллашни, бардошли бўлишни тақозо этади.

Мерганлик ўйинининг тарихи ўша даврларга бориб тақалади. Коптоклар кигизга ўхшаш юнг ва от думидан ясалганлиги тарихий қазилмалардан маълум.

Ўйин қоидаси. Бу ўйинда 4 нафардан 8 нафаргача болалар иштирок этишлари мумкин. Саккиз бола иштирок этган ўйинда майдоннинг икки чеккасидаги чизиқларда 2 нафардан болалар жойлашадилар. Майдоннинг чеккаларидаги 4 нафар бола (томонларда 2 нафардан) ҳимояда бўлган ўртадаги 4 нафар болани ғалма-ғалдан тўп билан уришлари керак. Ўртадаги ўйинчилар коптокни ўзларига текизмасликка, уни ерга туширмасдан илиб олишга ҳаракат қиладилар. Агар копток кимгадир тегиб, эпкин билан ташқарига чиқиб кетса, уни ўйин майдони четидан келтириб бериш шу кишининг вазифаси, ҳимоячилар орасидан ўтиб чеккаўйин чизиғига йўналса, орқадаги икки ўйинчидан бири ўзига яқин жойдан коптокни келтириб, ўйинни давом эттириши учун топширади.

Майдоннинг ўртасида, яъни ҳимояда бўлган 4 ўйинчидан бирига тўп тегиб ерга тушган тақдирдагина, шу ўйинчи ўйиндан чиққан деб ҳисобланади. Агар ўртадаги ўйинчилардан бири отилган тўпни ерга туширмасдан илиб олса, унда ўйиндан чиқарилиб юборилган шерикларидан бири ўйинда иштирок этишга қайтади.

Ҳимоядагилар томонидан илиб олинган ҳар бир тўп, ҳар бир ўйиндан чиққан болани қайтариш имконини беради.

Ҳужумдаги жамоанинг ўйинчилари қисқа вақт ичида ҳимоядаги ўйинчиларнинг ҳаммасини тўп билан уриб чиқара олса, шу жамоа ғолиб деб топилади.

Ҳимоядаги жамоанинг ўйинчилари эса маҳорат кўрсатиб отилган тўпдан ўзини олиб қочиб, ҳеч кимни йўқотмаса, шу жамоа ғолиб деб ҳисобланади. Ўйин ўн минут давом этади. Ҳимоя ва ҳужумдаги ўйинчилар 5 минут ўйиндан сўнг жой алмашадилар, ҳужумчилар ҳимоячи бўлиб, ҳимоячилар эса ҳужумчи бўлиб ўйнайдилар.

Шу муддат ичида ҳимоя ёки ҳужумдаги жамоанинг ўйинчилари ғалабага эриша олмасалар, ўйин дуранг натижа билан тугайди. Кучлар қайтадан (янгидан) синалади.

Ўйин майдончаси иштирок этувчиларнинг жинсига ва ёшига қараб белгиланади. 6 ёшдан 10 ёшгача бўлган ўғил ва қизларда майдоннинг эни 4 м узунлиги 8 м бўлади. 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган қиз ва ўғил болаларда майдоннинг эни 5 м узунлиги 10 метрни ташкил этади. 15 ёшдан 17 ёшгача ва ундан катта бўлган қизларда майдоннинг эни 6 метрни узунлиги эса 12 м бўлса, шу ёшдаги ўғил болаларда майдоннинг эни 6 м узунлиги 14 м бўлади.

Ўйинни текис, тоза, бегона нарсалардан холис бўлган майдонларда ёки спорт залларида ўтказиш тавсия этилади.

А.ОЧИЛОВ,
Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари,
Р.НАСИМОВ.
қўмита бош мутахассиси, педагогика фанлари номзоди

БОКС ЧИПТАСИ 2000 ДОЛЛАР

Америкалик оғир вазнли профессионал боксчи Майк Тайсон ҳамда англиялик Леннокс Льюислар ўртасидаги учрашув 8 июнь куни Теннеси штатининг Мемфис шаҳридаги "The Pyramid" спорт саройида бўлиб ўтади. Икки машҳур чарм қўлқоп усталарининг ўзаро жанглари кўпчилик мутахассислар-



ларнинг фикрича, бокс тарихидаги энг қиммат учрашув бўлади. Боиси, ҳозир учрашувга кириш чипталари сотувга чиқарилган бўлиб, энг арзон чипта баҳоси 400 АҚШ долларига тенг. Қолган турдаги чипталар эса 750, 1200 ва 2000 доллар миқдорида белгиланган.

"УНИВЕРСИАДА – 2002"ГА ТАЙЁРГАРЛИК

Айни кунларда Тошкент Давлат аграр университети талабалари Бухорода ўтказиладиган навбатдаги "Универсиада-2002" мусобақаларига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Мусобақаларда ижобий натижаларга эришиш мақсадида "кичик универсиада" ўйинлари Низоми ишлаб чиқилиб, уни амалга ошириш учун университет томонидан 8 миллион сўмлик спорт анжомлари сотиб олинди. Аграр университет Қибрай туманида жойлашганлиги сабабли, саралаш ўйинларида Ангрен Давлат педагогика институти талабалари билан спортнинг 12 тури бўйича баҳслашадилар. Талабаларнинг айтишича, улар саралаш баҳсларида, албатта, ғалаба қозониб, ёруғ юз билан "Универсиада-2002" га муваффақиятли қатнашиш учун қадимий Бухоро сари йўл олишади.

Баҳром ҚАМБАРОВ
Тошкент Давлат аграр университети талабаси

СУРХОННИНГ ЎЗ НАВОСИ БОР

Ҳаётимизни мусиқасиз тасаввур қилиш қийин. Мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир этувчи сеҳрли оҳанги бор. Дарҳақиқат, халқимизнинг юксак маънавий қадриятларини камол топтириш, маданий анъаналари, урф-одатларини мустаҳкамлашда мусиқанинг ҳам ўрни бениҳоя катта. Ҳамма жойнинг ўзига хос ижрочилик санъати бўлганидек, Сурхон воҳасида ҳам бу борада талайгина ютуқларга эришилган. Республикамиз жанубий ўлкасидан етишиб чиқаётган ёш хонанда ва созандаларнинг куй ва қўшиқларини кўпчилик севиб тинглаши ҳам фикримизнинг далилидир.

Бу табиийки, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунда, аввало, ўқувчининг қизиқиши, иқтидори билан бир қаторда устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва машаққати ётади. Бу борада Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактаби республикамизда мусиқа илмининг ривож топишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Айни пайтда бу ерда 5 та бўлим мавжуд бўлиб, 300 дан ортиқ ўқувчи 13 мутахассислик бўйича таълим олмоқда. Бу ерда таълим олаётган ўқувчилар келгусида ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишида жонкуяр ўқитувчи Орзиқул Нуралиевнинг алоҳида ўрни бор. У киши шу даргоҳда 30 йилдан буён ёшларга миллий мусиқа фанидан дарс бериб келмоқда. Устоз ўтган давр мобайнида кўплаб шогирдлар етиштирди. Қанчадан-қанча ёшларнинг қалбида мусиқага муҳаббат уйғота олди. Ҳозир улар мамлакатимизнинг турли санъат даргоҳларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Орзиқул ака 1971 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг мусиқа-педагогика факультетини тугатиб, Шўрчи туманидаги болалар мусиқа ва санъат мактабига ишга келди. У кишини вилоятда мусиқа илмини тарғиб этишда асосий жонкуярлардан, дейиш мумкин. Орзиқул аканинг ташаббуси билан вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларида болалар халқ чолғу асбоблари оркестрлари ташкил этилди. Бу оркестр жамоалари вилоят ҳамда республика болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этиб, қўпгина фахрли ўринларни эгаллаганлар. Жумладан, 1999 йил 1—5 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган Муҳиддин Қори Ёқубов номидаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари ўртасидаги кўрик-танловининг якуний босқичида Шўрчи тумани вакиллари 6 та фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Устознинг ўзи ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида иштирок этиб, ишчанлиги ва ҳалоллиги, энг муҳими, иқтидорли шогирдлар етиштириб чиқараётгани учун танловнинг ташкилий қўмитаси ташаккурномасига сазовор бўлди.

Орзиқул ака самарали меҳнати туфайли ҳукуматимиз томонидан кўп марта тақдирланган. Болалар санъатини республикамиз бўйлаб янада ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшгани учун "Халқ таълими аълочиси", 1992 йилда "Ўзбекистон мустақиллигининг 1 йиллиги" нишонлари билан тақдирланди.

Устоз ўқувчи-ёшларга дарс бериш билан бирга ижод билан ҳам шуғулланади. "Қуёш шаҳрим" 3 овозли вокал қўшиғи, "Огоҳ бўлинг" лирик қўшиқлари кетма-кет икки йил мобайнида "Ўзбекистон — Ватаним маним" кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринга лойиқ топилди. Ҳозир устоз ижодий изланишларини давом эттирган ҳолда кўплаб мусиқалар басталамоқда. У кишининг ижоди, асосан, юрт, Ватан мадҳига бағишланганлиги алоҳида эътиборга молик. Зеро, мурғак қалбга эзгулик уруғини, Ватани, элига, ота-онасига муносиб фарзандлар бўлишдек муқаддас туйғуни сингдириш масъулиятли вазифа.

Ўктам ҲАКИМОВ



Мирзо Улуғбек туманидаги "Умид" болалар-ўсмирлар спорт ўқув бирлашмаси (БЎСЎБ) иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошган бўлиб, бугунги кунда мазкур бирлашма жамиятимизга "В" тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаб бермоқда.

— Биз асосий фаолиятимизга қўшимча тарзда 256- ва 120-мактаблар ўқувчиларига ҳам йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиб бормоқдамиз. Зеро, ёш авлодга бу борада бугундан билим бериб борсак, эртага у, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради,— деди "Умид" БЎСЎБ директори Акмал Мадусмонов.

Дарвоқе, куни кеча "Умид"чилар Аҳмад Югнакий маҳалласи қариялари учун дастурхон ёзиб, уларга совға-саломлар улашишди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

Суратда: машғулот пайти.

ФИНАЛ ҚАТНАШЧИЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Газетамизда хабар қилинганидек, республикамизнинг Шофиркон, Янгиер, Ангрен, Термиз ва Тошкент шаҳарларида футбол мактаб-интернатлари ўртасида икки хил ёшдаги гуруҳларда ҳудудий мусобақалар бўлиб ўтди.

Шофирконда "А" гуруҳида бўлиб ўтган беллашувларда 1986-87 йилларда туғилган жамоалар ўртасида Бухоро футбол мактаб-интернати жамоаси тўрт учрашувда 8 очко (иккита ғалаба ва иккита дуранг) жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Мазкур ёш гуруҳида қатнашган Хоразм мактаб-интернати жамоаси 7 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. Ҳар икки жамоа республика финал мусобақаларида қатнашадиган бўлди.

"А" гуруҳида иштирок этган 1988-89 йилларда туғилганлар учрашувида Бухоро мактаб-интернати жамоаси тўрт учрашувдан 3 тасида ғалаба қозонди ва бир ўйинда дуранг натижага эришиб, биринчи ўринни олди. Шу ёш гуруҳида иштирок этган Ромитан интернати спортчилари 9 очко билан иккинчи ўринни қўлга киритди. Мусобақа Низомига мувофиқ мазкур икки жамоа ҳам финал мусобақасига йўлланма олди.

"Б" гуруҳида Янгиер шаҳрида ўтказилган ҳудудий мусобақада Наманган, Фарғона, Янгиер жамоалари учрашувларида ҳар икки ёш гуруҳларида майдон эгалари биринчи ўринни олиб, республика биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини олди.

"В" гуруҳида 1988-89 йилларда туғилганлар ўртасида Жиззах ва 1986-87 йилларда туғилганлар ўртасида Ангрен жамоаси, "Г" гуруҳида 1986-87 йилларда туғилганлар ўртасида Термиз жамоаси, 1988-89 йилларда туғилганлар ўртасида Қумқўрғон жамоаси, "Д" гуруҳида ҳар икки ёш гуруҳида Тошкент шаҳар футбол мактаб-интернати жамоаси мусобақалар ғолиби бўлиб, финал беллашувларида қатнашадиган бўлди.

Футбол мактаб-интернатлари VI республика биринчилиги шу йилнинг куз ойларида Сирдарё вилоятида ўтказилади.

Ф.МАННОПОВ

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси "Бошланғич синфларда ўқитиш" мутахассислигининг бўлим бошлиғи Бахмал Ҳамдамовага падари бузруквори
ҲАМДАМ ОТАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси, институт "Умумтехника" факультети декани муовини Ю.Тохтаевага падари бузуквори
ЮСУФЖОН ОТАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Хоразм вилояти ўрта-махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Янгиариқ туман "Чикирчи" касб-ҳунар мактаби директори Бахтиёр Қаландаровга волидаи муҳтарамаси
НАЗИРА Аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бу одамнинг изғиринда нима мақсадда келганини дарров тушундим ва иложим йўқлигини айтиб, узр сўрадим.

Забон бўлмагани билан жониворлардаги меҳр риштаси одамзотникидан кам эмаслиги Анатолий Феутскийнинг ранҳоси (дала ҳовли)да яна бир бор ўз исботини топди.

Ko'ngil bitiklari

ҚАРИЛИККА ДАВО

Қариликка йўқ даво,
Гар, Оллоҳ кўргай раво:
Ғанимат қуёш, ҳаво,
Ёнда бўлса ҳур момо.
Асл фарзанддир даво,
Суҳбатдош бўлса доно,
Сўзларида пур маъно,
Кексаликка ҳамхона.
Ярашади чойхона.
Шул эрур зарур даво,
Жой бўлса уйнинг тўри,
Кўздир — набира бари,
Мой бўлса қозон-қўри.
Шулдир давонинг зўри.
Рўзғор бўлса бус-бутун,
Гулзор айласа мафтун,
Бахтли ўтиб турса кун,
Шунинг ўзидир даво.
Баъзан бўлганда хаста,
Бўлар суянчиқ ҳасса,
Юриб турсангиз аста,
Шунинг ўзи бир даво.
Қарилик ҳаёт кўрки,
Истиқлол — ёшлар эрки,
Қувонч-ла яшаш, билки,
Шунинг ўзи бир даво.
Эл-юртимдир фаровон,
Йўлларимиз кенг, равон.
Қарияга боғ раво,
Кўллаб турган тахт раво.
Ватан тинчлиги даво.
"Қарили эл парили",
Қарилар қилгай дуо:
— Ўзбекистон бахтини
Ўзинг асра эй Худо!
Илтижодир ҳур даво,
Гар, Оллоҳ кўргай раво,
Қарига шулар даво.

Холмўмин ШУКУРОВ,
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси

ЯНА НАВРЎЗ

Баҳорим, ифоринг ёзавер энди,
Энди осмонингда қуёшлар кулсин.
Ердан бойчечакнинг бўйи кўринди,
Бизга янги кўклам муборак бўлсин!
Минг йиллар қаъридан парвона бўлиб—
Яна Наврўз келди жумла жаҳонга.

Чиройинг очавер, энди баҳорим,
Гўзаллик барқ уриб оламни тутсин.
Бу айём энг сўлим жойларда ҳар ким,
Энг гўзал дамларни қувониб кутсин.
Ҳусни тароватда сўзона бўлиб —
Яна Наврўз келди еру осмонга.

Виқорли тоғларнинг оқ сочин тараб,
Лолалар тақиб қўй қирлар бўйнига.
Барқут булутлардан оқ чодир ясаб,
Гулрайҳон ўстиргин боғлар қўйнида.
Савти самолардан мардона бўлиб —
Яна Наврўз келди боғу бўстонга.

Гуллар жилвасига монанд ушбу дам —
Дилобар қизларнинг кулгуси хандон.
Энди шавққа тўлди куйчи булбул ҳам,
Ундан-да топилмас шоир — ғазалхон.
Келинчак мисоли жонона бўлиб —
Яна Наврўз келди қутлуғ маконга.

Баҳорим Яшнайвер, юртга қулоч ёз,
Ҳар даминг дилларни сарафроз қилсин.
Сенга умид ила чиққанда пешвоз,
Яшил майсаларинг поёндоз бўлсин!
Элнинг бахти учун дурдона бўлиб —
Яна Наврўз келди Ўзбекистонга.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси

Алишер НАВОИЙ

БОШ УСТИНА

(Камол Хўжандий ғазалига назира)

Айди: "Йўлимни супургин". Мен дедим: "Бош устина".
Айди: "Алмаштир сувин". Дедим яна: "Бош устина".
Айди: "Бўлсанг бир куни бир лаҳза зулфимдин жудо,
Йиғлагин тун кечалаб". Дедим анга: "Бош устина".
Айди: "Лаълим хотирига бодаи гулгун ичиб,
Коса тўлдир сен жигарнинг қонидин". "Бош устина".
Айди: "Сен кўзинг билан юзимни кўрмоқ истасанг,
Боқма ҳаргиз бу малакларга". Дедим: "Бош устина".
Айди: "Ҳижрон тунларида кўрмаса гар кўзларинг,
Юзларимнинг шаъмидин нур топасан". "Бош устина".
Айди: "Чопса йўлларингда бизни тулпор, чангини,
Миннат этма кўзларингга сурмадек". "Бош устина".
Айди: "Фоний, ишқ аҳли жононаларга боқса сен,
Шу замон бизга назар ташлагил". "Бош устина".

Форс тилидан Юсуф Вализода таржимаси

АСАД

Арслон
(Лев)
23 июлдан 23 августгача

Унсури — Олов. Ҳомийси — Қуёш.

Асаднинг бутун умри муайян мақсад йўлидаги жўшқин, мунтазам фаолиятдан иборат. Асад — шоҳона улуғворлик буржи ва улар ўзларини шунга мувофиқ тутишади. Ҳатто баъзи асадлар севги борасида ҳам "марҳамат юзасидан", такаббурона муносабатда бўлиши мумкин. Дўдмаллик, мужмаллик ва шоҳона кўринишдаги шаъмалар ҳам асадларга хос хусусиятлардир. У ҳамманинг диққат марказида бўлишини, айни пайтда, фақат ўз ҳукмронлик вазифасини бемалол, бамайлихотир бажариб турган яккаҳоким, ҳокими мутлақ сиймосида эътиборда бўлишни орзу қилади. Асад — кучли, тўғри, ростгўй, олижаноб, идеалист, яратувчан, қизиқувчан, содиқ, хаёлпараст, зийрак, чуқур ҳиссиётли, ўзига ишонган. Шунингдек, катта қасоскор ҳам. Ғурурли, қабиҳликка қобил эмас. Унга хушомад қилиша, лаззатдан "кўзлари сузилиб кетади". Агар Асад толеида баъзи сайёралар бадҳол бўлса, унинг феълида ғурур ўрнида — такаббурлик, куч ўрнида — қўполлик, дағаллик, самимий севги ўрнида — таъмали севги жой олади. Ҳатто энг олиймақом Асаднинг ҳам бироз дангасалиги бор: ишни кундан-кунга, ойдан-ойга орқага суриш одатига эга. Туғма қўрқмаслиги ва бахтли юлдузларига ишониши Асаднинг хатарли ишларга, хатарли ўйинларга бош қўшиб қўйишига олиб келиши мумкин. Шиддаткор асадлар феълларини мўътадиллаштириб туришлари, қувват сарфланишини назорат қилиб боришлари лозим. Ҳар қандай асаднинг кундузги уйқуга ёки ишдаги қисқа танаффусга эҳтиёжи бор. Чунки уйқуга тўймаслик асадларнинг соғлиғига ҳам, ишларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ижобий фазилатлари: ғурурли, ўз қадр-қимматини билади, самимий, артистлик ва раҳбарлик қобилиятларига эга, хайрихоҳ, сахий, меҳмондўст, масъулиятли, жиддий.

Салбий хислатлари: такаббур, шуҳратпараст, ўзбилармон, иззат ва таъзимталаб, инжиқ, исрофгар, юзаки.

Бурж вакиллари: Наполеон Бонапарт, Муссолини, Мопассан, Вальтер Скотт, А.Дюма, А.Сальери, Якубовский, А.Шварценеггер, Е.Блаватская.

ҲУДНЕИРОҲ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ЧИҲАМБИЛИ

(voqeiy hikoya)

Бу сўзнинг маъносини ҳам, этимологиясини ҳам, қайси тилдан олинганлигини ҳам билмайман. Ҳар ҳолда ажнабий сўз бўлса керак: Жугашвили, Патнашвили, Руставели...

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида (балки ҳозир ҳам) шу ном билан машҳур бўлган тансиқ таом расм эди...

1969 йил. Эсингизда бўлса, муҳтарам ўқувчи, ўша йили қиш эрта тушиб, бизда камдан-кам учрайдиган "қилиғини" кўрсатди: қаҳратон, даҳшатли совуқ, тупугинг ерга дўл бўлиб тушади. Пахта терими чўзилиб кетди.

Талабалар ўзларини қаерга қўярини билишмайди. Ким қарта ўйнайди, ким уйга жуфтакни ростлаш учун пайт пойлайди, ким... Мен эса жонсарак ҳолатда. Бирорта талаба бирор ёққа кетиб қолса, бошинг билан жавоб берасан, дейишган. Бунинг устига ўқитувчилардан бир ўзим (ўшанда сурункали 49 кун пахтада бўлганман).

Болаларга бирор егулик тайёрлайлик, деб ўтин ёрдираётсам, битта "Москвич-412" келиб тўхтади. Ундан виқор билан калта бўйли, бақалоқ одам тушиб келди. Мен "тепа"дан юборилган текширувчи бўлса керак, деб тараддудлана бошладим. Унинг шу гавдаси билан пилдираб келаётганини кўриб, ота-оналардан, деб ўйладим ва хурсанд бўлдим.

Ҳалиги киши мен билан қуюқ кўришди. Кейин билсам, у ҳам ўзимиздан, "пахтакор"лардан бўлиб, бир шогирдини излаб келган экан. Хонадон бекасидан (штабимиз бригадир ҳовлисида эди) излаб юрган ўқувчисининг манзилини сўраб-суриштирди, аниқлагач, ёнимга келиб:

— Домла, яхши йигит экансиз, юринг, бир отамлашамиз, — деди.

Бу одамнинг изғиринда нима мақсадда келганини дарров тушундим ва иложим йўқлигини айтиб, узр сўрадим.

— Юраверинг, бугун жуда совуқ, талабалар қочиб кетолмайдилар, — дея таклифини такрорлайвериб, жон-ҳолимга қўймади.

Бизни юпун кийинган бир кампир ичкарига таклиф этди. Кирдик. Домла виқорли қиёфага кирди. Бир пасдан кейин аёлидан-да юпун кийинган бир чол келиб, бизлар билан қучоқ очиб кўришди. Ўтирдик.

Хона совуқ. Бир зумда каттакон тоғорада чўғ келтирилди. Иккала домла ҳам унга ташландик.

— Сўраганнинг айби йўқ, болам, — дея домлага оҳиста, диний таълим кўрган кишиларга хос назокат билан мурожаат қилди чол, — ким бўласизлар, қаерлардан сўраймиз?

Иккаламиз учун ҳам домла жавоб қилди:

— Мен ўғлингизнинг домласиман. Исми... Исми нима эди?!

— Жонузоқ.

— Ҳа, ҳа, Жонузоқ. Шогирдлар кўп бўлгандан кейин номларини ҳам эслаб қолиш қийин экан, — ўзини оқлади домла ва таништиришда давом этди:

— Бу йигит ҳам домла, домла экан. Ўзингизни таништиринг, ука!

...

Шу пайт чолни аёли чақириб қолди...

— Сизлар улуғ одамлар. Ҳалиги..., — чайналди чол. — Қандай таом тайёрласак дегандик.

— Қозон биттами, бобой?

— Қозон!? Ҳа, бор, худога шукур, бор...

— Осавермайсизми! Кун совуқ бўлса!

— Таом, қандай таом дегандим...

— Таомми? Таом..., — ўйланиб қолди домла ва сўради:

— Қандай овқатларни тайёрлашни биласизлар?

— Қишлоқи бўлсак..., Пиёва, шилпилдоқ. Айтаверинг, домла, қишлоқда пазанда аёлларимиз бор...

Шу пайт ҳовлиқиб, яхлаган қўлларига ҳуҳулаб, Жонузоқ кириб келди ва домлага отилди. Домла ҳам чаққонлик билан ўрнидан туриб, армияда юрган боласини соғиниб адойи тамом бўлган оталардек қучоқлашиб кўришди, обдон ҳолаҳвол сўрашди.

— Хўш кўрдик, домла, келиб ажаб қилибсизларда...

Бир ҳолда ўтирган чол, миясига келган фикрдан жонланиб деди:

— Мошкичири... Мошкичири тайёрласак қандай, домлажон? Бироз исийсизлар ҳам.

— Мошкичири... тансиқ овқат, лекин кейинги кунларда кимникига борсак, мошкичири еймиз... аччиқ пиёзнинг ҳидидай меъдага тегди... Меъда заиф.

Шунда Жонузоқ:

— Нима гап, ота? — деб сўради.

Домла гапга аралашди:

— Бобой нима ейсизлар, деб ҳол-жонимизга қўймаяпти... — ва яна деди: — Жонузоқ бизларнинг нима ейишимизни билади.

Чол бир чеккада қолиб, энди сўров навбати Жонузоққа ўтди.

— Зиғир мой борми?

— Топамиз, домлажон.

— Иштихоннинг зиғир мойини Ғиждувонникидан кам дейишмайди.

— Шундай, домлажон.

— Жўжалардан энди қичқира бошлаганларидан борми?

— Курка бор, домлажон, ёш, семиз. Омбор мудири поччам, бизга бир куркани жўжаси билан икки халта ем ҳам бериб, рўзада бобойга сўйиб берасизлар, деган эди.

— Курка ҳам бўлаверади!

— Қандай таом тайёрлаймиз, домлажон.

— Чихамбили.

— Чихамбили?!

— Ҳа, ҳа, чихамбили, — важоҳат билан гапирди домла, — сен қишлоқилар қачон юрагимни чангаллаганимча пахта штабига чопдим. Тўрт-беш талаба, мен қўйиб кетган "постовой"лар қаршимга чиқишди. Исиндик. Уларга ҳам ибрат бўлсин, деб домла билан бўлган воқеаларни сўзлаб бердим.

Наманганлик бир соҳибжамол қизга ишқий мактуб ёзиб, рад жавобини олган, Пушкинникидай тим қора ва жингалак сочли кичкина, аммо чайир бир шогирдим мендан эшитган ҳикояларидан таъсирланибми ёки муҳаббат ўтида куйиб, адойи тамом бўлгани учунми кўзларидан тирқириб оқаётган ёшлари билан:

— Домла, домлажон, ана ўзиям кўрсин, — деди-ю, инкор этилган хатини кафтига қўйиб ёндира бошлади. Сапчиб ўрнимдан турдим ва уни ушладим.

Унинг қўлимдан қандай чиқиб кетганини билмайман. Биздан анча нарида Прометейга ўхшаб, ўнг қўлини баланд кўтарди-да, ўша хатни кафтига қўйиб ёндирди, охиригача ёндирди ва ... ҳушидан кетиб, гупиллаб ерга ағдарилди.

Ана, муҳаббат,
Ана ишқ қурбони!

Ўша кечаси туни билан алаҳсираб чиқдим: қозон, зиғир мой, юпун кийинган аёл, диний билимини умрбод яшириб яшашга маҳкум этилган чол, кафтда лангиллаб ёнаётган хат, мактаб болаларининг қийқириқлари ва...

Азиз ўқувчим, мен бу кўрганларимни бир жузъий ҳодиса, деб юрган эдим. Яқинда бир илмий раҳбарнинг шогирди диссертация ёқлагани муносабати билан уни "табриклаш" учун болабакраси, қўни-қўшниси билан борганини эшитиб, қўлга қалам олдим. Узр!

Ибодулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори

«ҲУМО» СКАНВОРДИ

Тиббиёт институтида имтиҳонни қандай топширадилар?

1-курс талабаси шпаргалкани яширинча қўлига олиб, бирданига яна бекитади.

2-курс талабаси шпаргалкани стол устига қўйиб, қўли билан пана қилган ҳолда кўчиради.

3-курс талабаси олдиндан жавоб ёзилган варақни олиб, унга қараб жавоб беради.

4-курс талабаси тиззасида турган дарсликдан кўчириб олади.

5-курс талабаси стол устида турган китобдан кўчиради.

6-курс талабаси китобни ўқитувчининг олдида варақлайди.

— Шу ердами?

— Йўқ.

— Бу ердами?

— Йўқ.

— Ундай бўлса, ўзинг изла!

***

— Судланувчи, айтинг-чи, "Заргарлик" дўконини ўмаришга сизни нима ундади?

— Витринадаги ёзув, ўртоқ судья. "Жаноблар, имкониятни қўлдан бой берманг", деб ёзиб қўйилган экан. Дарров ишга киришдим.



Тузувчи: Санжар ЖУМАНОВ,
Жиззах Давлат педагогика институти 3-курс талабаси

Xullas...

ОДДИЙ ОПЕРАЦИЯДАН... МУРАККАБИГА

Ярославль вилоят судида навбатдаги жиноят иши. Қотиллик, ўғирлик ёки зўравонлик эмас, балки стоматологнинг "иши".

Тиш олдиришга келган Олга хоним креслога чиқар экан, қаршисидаги шифокорга нажот истаб қаради. Афсуски, оддийгина тиш суғуриш операцияси фожиали тугашини на бемор ва на шифокор биларди. Орадан бир неча лаҳза ўтиб, беморнинг юзи қийшайиб, қўрқинчли тусга кирди.

Новокаин ўрнига фармалинни янглиш ишлатиб юборганини, врач, фақат воқеа содир бўлгачгина, сезиб қолди. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди.

Айбдор зудлик билан ишдан бўшатилди. Икки марта қилинган пластик операция ҳам ўз натижасини бермади: аёлнинг юзи ўша-ўша кўринишда қолди. Энди унинг юзини москвалик жарроҳлар операция қилишмоқчи. Операциянинг нархи 60 минг рубль. Аммо ўша минглаб рубларга аёлнинг юзини аввалги ҳолига келтириб бўлармикан, Худо билади.

БЎРИЛАРДА МЕҲР РИШТАСИ

Ҳайвонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббати хусусида кўп гапирамиз. Забон бўлмагани билан жониворлардаги меҳр риштаси одамзотникидан кам эмаслиги Анатолий Феутскийнинг ранчоси (дала ҳовли)да яна бир бор ўз исботини топди.

Отарда пайдо бўлган икки бўрининг тап тортмай қўйларни қақшатавериши, табиийки, ҳар қандай хўжайинни ташвишга солади. Анатолий ов милтиғи ёрдамида бўрилардан бирини гумдон қилишга муваффақ бўлди. Энди иккинчисининг ҳоли нима кечади!

У ҳам ўз бошига шундай "кун" тушишини сезган каби ғойиб бўлди. Аммо орадан тўрт-беш кун ўтиб, ўша бўри шерига жон берган жойга келиб, уни роса изларди. 15-20 дақиқа сукут сақлаб, афтидан, қадрдонини "ёдга" олди.

Шунда фермернинг юраги ғалати бўлиб кетди: "Бекорга ўлдирибман".

Ҳалиги бўри эса хўжайинга бир қараб олди-да, орқа ва олд оёқларини зўрға ташлаб, бу ердан кетгиси келмагандек илгари одимлади.

Бундай ҳолатни албатта, меҳр туйғуси дейсиз...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-330.
Тиражи 28090 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3
Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Ботиржон ҒОФУРОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 01-30